

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Кредит-иқтисод” факультети
Декани О.Саттаров _____
“ ____ ” _____ 2013 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

Улашов Фозилжон Камолович

**ЛИКВИДЛИЛИКНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР
АСОСИДА БОШҚАРИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

5340700 – “Банк иши” таълим йўналиши бўйича

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Банк иши” кафедраси муdiri

и.ф.н., доц. Норқобилов С.Х.

“ ____ ” _____ 2013 й.

Илмий рахбар:

и.ф.н., доц. Саттаров О.Б.

“ ____ ” _____ 2013 й.

ТОШКЕНТ-2013

МАВЗУ: ЛИКВИДЛИЛИКНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ	2
1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ МОҲИАТИ ВА НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1. Ликвидлиликнинг иқтисодий моҳияти ва назарий- ҳуқуқий асослари	8
1.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ликвидлиликка ўрнатилган иқтисодий меъёрлар.....	23
1.3. Тижорат банклари ликвидлиликни таъминлашда иқтисодий меъёрларнинг хориж таъриби.....	33
2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.	
2.1. ГЭП таҳлили орқали тижорат банклари ликвидлиликни таъминлаш амалиёти	42
2.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиликни бошқариш амалиёти	56
2.3. Тижорат банклари ликвидлиги ва даромадлиликка таъсир этувчи омиллар таҳлили	66
3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	72
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82
ИЛОВАЛАР	85

“... Кредит ва молия муассасалари, бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодийтимизни очик эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз”.¹

И.А.Каримов.

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ҳос бўлган икки поғонали банк тизими шакллантирилди, айти пайтда ушбу тизим мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Бозор иқтисодиётида доимо "рақобат" деган бозор унсури фаолият кўрсатади. Иқтисодий рақобат йулида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири - ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир. Шу боис ушбу омилга Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, банк-молия тизимидаги ислохотлар чуқурлаштириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилди. Сўнгги йилларда республикамыз тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари ликвидлилиги, тўловга қобилиятлилиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

¹И.А Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 2011. 528-бет.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Банклар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун мижозлари олдида ишончли имижига эга бўлиши лозим. Бу ишонч эса банкларнинг ликвидлиги негизидан келиб чиқади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тижорат банклари ўз фаолиятлари барқарорлигини таъминлаши учун, аввало, ликвидликка, тўлов қобилиятига, даромадлиликка мунтазам эътибор қаратиши талаб этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мавжуд тижорат банкларининг ҳисобот даври давомида вакиллик ҳисобварақларида маблағлари етарли бўлиши кузатилгани ҳолда, ҳисобот даври ўртасида вакиллик ҳисобварақлари сезиларли тушиб кетмоқда ва ушбу ҳолат уларнинг ликвиддигига ҳам таъсир қилмоқда. Натижада, ҳисобот даври ўртасида мижозлар мажбуриятларининг биринчи талабини бажаришда айрим қийинчиликлар юзага келмоқда. Шунингдек, ликвид активларнинг банк брутто активлари ҳажмидаги улуши юқори бўлишига қарамай, мажбурий захира ставкаларининг юқори бўлганлиги сабабли Марказий банкнинг мажбурий захирасида депонентланган маблағлар улуши ҳам юқорилигича қолмоқда. Ушбу маблағлардан банклар фаолиятини амалга ошириш лицензияси қайтариб олингандан кейингина фойдаланилишини ҳисобга олсак, улар банклар ликвидлигини таъминлашга хизмат қилмаётганлиги маълум бўлади. Қолаверса, тижорат банклари ликвидлиги оператив ҳал этилишида Марказий банк томонидан овердрафт, овернайт ва бошқа ликвидликни таъминлайдиган қайта молиялаш кредитлардан фойдаланилмаяпти. Юқоридаги ҳолатлар тижорат банкларида ликвидлилик муаммосининг долзарблигини белгилаб беради ва банклар ликвидлиги таъминланишини такомиллаштириш йўллари чукур илмий таҳлил қилишни тақозо этади.

2007 йилнинг август ойида бошланган АҚШ даги ипотека инқироzi 2008 йилнинг сентябрь ойига келиб жаҳондаги йирик банкларнинг ликвидлилик инқирозига олиб келди. Натижада, дунёдаги энг йирик банк “Citigroup bank” икки қисмга ажралди, “Lehman Brothers bank”, “UBS bank”

ва бошқа ўнлаб йирик банклар касодга учради. Нафақат банк тизимида, балки мамлакатлар иқтисодиётида ҳам ликвидлик муаммоси юзага келди. Кўпгина банклар ликвидлилигини сақлаши учун зарур бўлган депозит базасидан айирилди. Банклараро ресурс бозорида ва молия бозорида нархларнинг кескин даражада тушиб кетиши - банкларнинг даромадлилиги билан биргаликда ликвидлилигининг пасайишига ҳам олиб келди.

Битирув малакавий ишининг предмети – тижорат банклари ликвидлилигини иқтисодий меъёрлар асосида бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, шунингдек ликвидлилигини иқтисодий меъёрлар асосида бошқаришни такомиллаштириш хусусиятлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришда Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, тижорат банклари актив ва пасивлари таркиби, динамикаси ҳамда ликвидлиликни бошқариш усуллари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади тижорат банклари ликвидлилигини иқтисодий меъёрлар асосида бошқаришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, банкнинг олтин қойдасидан келиб чиқиб тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг мувофиқлигини ҳамда унинг ликвидлиликка таъсирини ўрганиш, шунингдек уни такомиллаштириш борасида илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ❖ тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- ❖ бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қўлланилаётган ликвидлилик меъёрларини ўрганиш;
- ❖ тижорат банклари активлари ва уларнинг сифат жиҳатидан таркибини ўрганиш;

❖ тижорат банклари мажбуриятлари ва уларнинг сифат жиҳатидан таркибини ўрганиш;

❖ тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш назариялари ва методларини ўрганиш;

❖ Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва “Алоқабанк” очик акциядорлик тижорат банкининг актив ва пасивлари таркиби, динамикаси ва структурасини таҳлил қилиш;

❖ “Алоқабанк” очик акциядорлик тижорат банкининг ликвидлилик меъёрларини таҳлил қилиш;

❖ тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришда Халқаро Базель қўмитасининг янги тавсиялари ва ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибасидан келиб чиқиб, республикамиз банк тизимида қўлланиладиган иқтисодий меъёрларни такомиллаштириш ҳамда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

Кириш қисмида битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги кўрсатиб ўтилган, банк тизимида тижорат банклари ликвидлилигининг аҳамияти, мақсади ва вазифалари баён қилинган, мавзунинг илмий-амалий жиҳатдан муҳимлиги асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида ликвидлиликнинг иқтисодий моҳияти ва назарий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ликвидлилигига ўрнатилган иқтисодий меъёрлар ҳамда тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашда иқтисодий меъёрларнинг жаҳон тажрибаси баён этилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида ГЭП таҳлили орқали тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш амалиёти кўрсатиб

ўтилган, “Алоқабанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг ликвидлилик меъёрларининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек тижорат банклари ликвидлиги ва даромадлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили ҳам келтириб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида тижорат банклари ликвидлигини иқтисодий меъёрлар асосида бошқаришни такомиллаштириш йўллари ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида, тижорат банклари ликвидлигини иқтисодий меъёрлар асосида бошқариш ва ундаги муаммоларни ҳал этиш бўйича умумий хулосалар, назарий ва амалий тавсиялар ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра юртимизда 29 та тижорат банки фаолият олиб бормоқда. Хусусан ушбу тижорат банкларининг 3 тасини давлат банклари, 13 тасини акциядорлик тижорат банклари, 9 тасини хусусий банклар, 3 тасини қўшма банклар ва 1 тасини шўба банки ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб бермоқда, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори баҳоларга эришмоқда.

Банклар барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири - банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 65 фоиздан юқори бўлиб, белгиланган минимал даражадан 2 баробар юқоридир¹.

Бугунги кунда, етакчи халқаро рейтинг агентликлари - «Fitch Ratings», «Moody's» ва «Standard & Poor's»нинг “барқарор” рейтинг баҳосини олган

¹ www.cbu.uz – ЎзР МБнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида.

тижорат банклари сони 28 тага етди. Уларнинг жами активлари суммаси мамлакат банк тизими активларининг қарийб 100 фоизини ташкил этади.

Банк тизими фаолиятига тегишли барча индикаторларнинг, хусусан “банкларнинг умумий капитали етарлилиги”, “тижорат банклари ликвидлиги”, “депозитлар ҳажмининг динамикаси”, “кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши” индикаторлари 2012 йил якуни бўйича “юқори даража”даги баҳоларга мувофиқ келди.

Битирув малакавий ишининг илмий-амалий аҳамияти.

Республикамиз тижорат банкларининг рақобатбардошлигини, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада ошириш, қолаверса, тижорат банкларининг мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида банкларимизнинг иқтисодиёт ривожини учун мақсадли ҳамда узоқ муддатли кредитлар ва инвестициялар ажрата олиши, ресурс базаларини янада мустаҳкамлаши, шу билан биргаликда ўз ликвидлилигини меъёр даражасида сақлаб туриши ва юқори даражада даромадга эришиши бугунги кундаги энг асосий масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг "Банкларнинг ўз мижозлари олдидаги жавобгарлиги"га бағишланган 39-моддасига мувофиқ, банклар депозит қабул қилинганда, уларни сақлаш ҳамда мижоз топшириғига мувофиқ ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига жамоатчиликнинг ишончи банк томонидан янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи бош активи ҳисобланади. Банк томонидан мижознинг талабини қондира олмаслик бўйича йўл қўйилган ҳар бир ҳолат банкка ва умуман банк тизимига нисбатан жамоатчилик ишончининг йўқолишига олиб келади. Шу сабабдан ликвидлик хавфи депозит институтлари дуч келадиган асосий хавфлардан бири ҳисобланади.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ МОҲИАТИ ВА НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Ликвидлиликнинг иқтисодий моҳияти ва назарий-ҳуқуқий асослари.

Жаҳон иқтисодий амалиёти шуни кўрсатадики, банклар вужудга келгандан буён уларда ликвидлик муаммоси мавжуд. Яъни банклар фаолиятининг самарадорлиги - миқозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажара олиши билан белгиланади. Тарихдан маълумки, пул алмаштирувчи саррофлар ўз мажбурияги ва қарзларини тўлай олмаса ёки топшириқдарни бажара олмаса, уларнинг столлари синдирилган ва "banco rotto", деб эълон қилинган. Бизнинг юртимизда ҳам иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида банкларни бошқариш жараёнида ликвидлик муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Ликвидлик тижорат банклари фаолиятида энг асосий тушунчалардан биридир. Ликвидлик тижорат банклари ишончлилиги ва барқарорлиги асосини ташкил этади ва уларнинг тўловга қобилиятли бўлишига замин яратади. Банклар ликвидлиги уларнинг тўлов қобилияти ва ишончли бўлишини таъминлашда зарур категория ҳисобланади.


Шу ўринда банкларнинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва ишончлилиги тўғрисида фикр билдирсак. Тижорат банкларининг миқозлар ва кредиторлар олдида ўз имижини сақлаб қолиши учун энг аввало уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкам бўлиши лозим.

Банк ликвидлиги бўйича рискларнинг ортишига таъсир килувчи бир қанча омиллар мавжудки, бу омиллар банк ликвидлигига алоҳида аҳамият беришни ва банк ликвидлиги бўйича хатарни доимий равишда кузатиб боришни талаб қилади. Шу сабабли банклар ўз даромадидан кечиб бўлса ҳам, ликвидликни сақлаб туришга мажбур.

Ўз навбатида, ресурслар банкларнинг даромадлилигини ошириш мақсадига йўналтирилса, унда бу банкнинг ликвидлигига таъсир кўр-

сатади. Демак, банкларнинг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўзаро тескари мутаносибликда намоён бўлади.

Банклар ишончилиги деганда уларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини, яъни биринчи талаб биланоқ амалга ошириш лаёқатига эга бўлган фаолиятини тушунамиз. Ишончилиikka эришиш учун эса банклар ликвид ва тўлов қобилиятига эга бўлиши лозим (1-расм):



1-расм. Банклар ишончилигининг амал қилиш шартлари¹.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан П.Роуз, Ж.Синки, Е.Ф.Жуков, Г.Г.Коробова, О.И.Лаврушинлар тижорат банклари ликвидлиги борасидаги ўз илмий қарашларини дарслик ва ўқув қўлланмаларда баён этганлар. Мамлакатимиз иқтисодчиларидан Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобакулов, Б.Т.Бердияров, Ф.У.Додиев, О.К.Иминов, С.Х.Норқобилов, А.А.Омонов, З.А.Холмахмадов, Т.М.Қоралиевлар тижорат банклари ликвидлиги борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган².

Айрим муаллифлар "тўлов қобилияти" тушунчасига банкнинг кредиторлари олдидаги ўз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ хажмда бажара олиш қобилияти деб, "ликвидлик"ка эса банкнинг пул шаклидаги мажбуриятларини ўз муддатида бажара олишини таъминлаш қобилияти, деб таъриф беришган. Ушбу ҳолатда муаллифлар тўлов қобилияти муддатида бажарилиши таъминланади дея фикр билдирганлар. Тўлов қобилиятига эга банк деганда ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш лаёқатига эга бўлган банк тушунилади. Ўз муддатида мажбуриятини бажарадиган банк ликвид хисобланади.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

²Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

Муаллифларнинг юқорида келтирилган таърифларида "ликвидлик" ва "тўлов қобилияти" категорияларига муносабат билдирилиб, чалкашликка йул қуйилган. Демак ушбу тушунчаларни таърифлаётганда уларнинг бажарилиш муддатида алоҳида аҳамият қаратмоқ лозим¹.

Ликвидлик - банк мажбуриятларни керакли вақтда, яъни талаб этилган вақтда бажара олиш қобилиятидир. **Тўлов қобилияти** эса банк мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир. Агар банк депозитларни қайтариш вақти етганда бажара олмаса, у вақтинчалик ликвид булмайди, лекин банкка маблағлар тушгандан кейин у тўлай олади ва ўзининг ликвидлигини тиклайди. Ушбу вазифани банклар ташқи қарзлар эвазига ҳам амалга оширишлари мумкин. Ўз вақтида банк мажбуриятларини бажара олмаслиги банкнинг тўлов қобилиятига таъсир этмайди. Тўловга қобилиятли банк у эртами, кечми уз мажбуриятларини албатта бажаради. Ликвид банк эса, ўз муддатида мажбуриятларини бажарадиган банкдир. Банк амалиёти кўрсатишича, қисқа вақт мобайнида банклар ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажариши орқали рақобат шароитида мижозлари ва имижини сақлаб қолади. Мижозларни йуқотмаслик ва келгусида янги мижозларни жалб қилиш орқали банклар даромад манбаини ошириб, самарали фаолият юритишни давом эттиради, чунки банкларнинг барча операциялари фақат ва фақат мижозлар учун бўлмоғи лозим.

Тижорат банклари ликвидлигининг назарий асосларини таҳлил қилиш учун унинг луғавий маъносини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ликвидлик атамаси лотинча "Liquidus" сўзидан олинган бўлиб- "оқувчан", "сууюқлик", "ўзгарувчан" деган маъноларни англатади. Тушунчанинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу моддий қийматликларнинг ва бошқа активларнинг тезда сотилиши ва пулга айланишини ифодалайди.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

Машхур америкалик иқтисодчи П.Роуз " ... банк маблағларини ўзига мақбул нархларда ҳамда айнан шу маблағлар зарур бўлганида жалб эта олса банк ликвид хисобланади" дея изох беради. Умуман олганда, банк ликвидлигини маблағлар жалб этиш орқали таъминлаш мумкинлигига эътибор қаратган. Бизнинг фикримизча, ушбу келтирилган таъриф бироз тор маънода қулланилган. Амалиёт кўрсатишича, банклар дастлаб ўз активларига таянади, активлардан самара кам бўлганда эса четдан ресурслар жалб этишлари ва ликвидлигини таъминлашлари мумкин. Бундан ташқари, банклар ушбу маблағларни фақат жалб этиш учун эмас, балки ўзида мижозларнинг мажбуриятларини бажариш учун маблағлар мавжуд бўлмаганида жалб эта олиши орқали белгиланиши тақозо этилади.

Таниқли олим Ж.Синки банклар ликвидлигини қуйидагича талқин этган: "... банк ликвидлиги асосан депозитлар ва кредитларга бўлган талабни қондиришга, лаёқатли бўлиши учун кераклигини билдиради. Кутилмаган ўзгаришлар банкка ликвидлик муаммосини келтириб чиқаради". Ушбу таъриф эса, аксинча кенгрок тарзда, банк олдида турган нафақат депозитлар, колаверса, мижозларнинг кредитларга бўлган талабларини қондиришни назарда тутган.

Россиялик иқтисодчи олимлардан О.И.Лаврушин шундай ёзади: "... ликвидлик умумлашган кўрсаткичлардан бири бўлиб, банк фаолияти ишончлилигини кўрсатади. Агар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳеч қандай йўқотишларсиз бажара олса, банк ликвид хисобланади"¹. Ушбу таърифда иқтисодчи банк активлари ликвидлигига асосий эътибор қаратган. Амалда банк ликвидлик талабини доимо мавжуд активлари ҳисобига эмас, балки банклараро кредит ресурслари бозоридан ресурс жалб этган ҳолда ҳам бажариши мумкин.

Г.Н.Белоглазова эса: "ликвидлик - бу банк соғломлигини кўрсатувчи индикатор, бу борада муаммолар пайдо бўлиши унинг бузилганлигини


¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

кўрсатувчи биринчи ташхисдир¹, - дейди. Ушбу иқтисодчи олим банклар ликвидлиги Марказий банк томонидан назорат қилинишини инобатга олган ҳолда фикр билдирган. Ҳар бир банк ўз ликвидлиги ва мижозлари учун курашади ва уларни йўқотмасликка ҳаракат қилади.

Профессор Н.В.Колчина ликвидликка “жорий мажбуриятларни исталган пайтда тўлай олиш”, тўловга лаёқатлилиқ эса “узоқ ва қисқа муддатли маблағлар бўйича мажбуриятларни вақтида бажара олиш” деб изоҳ берган.

Е.П.Жарковская банк ликвидлилигига қуйидагича таъриф берган: “Банк ликвидлилиги банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал йўқотишлар билан мажбуриятларини бажара олишидир. ... тўловга лаёқатлилиқ тушунчаси эса банкнинг тўлов бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариши тушунилади ...”.

Ликвидлилиқ, тўловга лаёқатлилиқ ва банкнинг барқарорлиги орасидаги муносабат 2-расмда акс этган.



2-расм. Банк барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартлари².

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

²Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги 421-сонли “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги низомида ликвидликка қуйидагича таъриф берилган:

Ликвидлик - банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, банк ликвидлигига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Банк ликвидлиги - бу банкнинг юзага келган мажбуриятларини қоплаш мақсадида тезкор равишда ва минимал харажатлар билан ўз активларини пул маблағларига айлантира олиш қобилияти ҳисобланади.

Банкнинг тўловга лаёқатлилиги - банк капиталига зарар етказмаган ҳолда аниқ бир санагача барча мажбуриятларини тўлиқ қоплай олиш қобилиятидир.

Демак, банк ликвидлиги - бу банкнинг жорий ва келгуси мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндисидир.

Ликвидлик ҳолатини самарали кузатишга ҳамда фавқулодда ҳолатлар учун етарли даражада амалий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга қобилиятсизлик аксарият ҳолларда банкларни ликвидлик инқирозга, ҳатто банкротликка олиб келади. Ликвидлиги паст бўлган воситаларга узоқ муддатларга қўйилган маблағлар ҳисобидан қисқа муддатли ликвидликка бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг асосий компоненти ҳисобланади.

Тижорат банклари ликвидлиги таснифини кенгрок тарзда қуйидаги расм оркали келтириш мумкин (3-расм):



3-расм. Банклар ликвидлигини таснифланишининг асосий белгилари¹.

Банклар ликвидлигини объектига кўра қуйидаги турларга ажратиб таҳлил қилишимиз мумкин:

Банк активлари ликвидлиги деб банк активларининг тез ҳамда ҳеч қандай йўқотишларсиз пул маблағларига айланиш қобилиятига айтилади. Банк активлари қанчалик ликвид бўлса, уларнинг четдан ресурсга эҳтиёжи шунча кам бўлади ҳамда банклар мавжуд ликвид активлар доирасида ўз мажбуриятларини бажаради. Бу ерда банклар қўшимча ҳаракат қилишига ўрин қолмайди. Яъни қўшимча ресурс жалб қилинмайди ва бу энг арзон усул хисобланади. Лекин масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, банк активлари ликвидлиги юқори бўлиши унинг даромадлилигига тескари мутаносибликда бўлади. Шунинг учун банклар ўз ликвидлиги ва даромадлилигини самарали бошқаришлари лозим.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

Банк пассивлари ликвидлиги - банкларнинг ресурсларга эҳтиёж сезилганда етишмаётган ресурсларни тезда жалб қилиш ва улар бўйича харажат қилинадиган фоизларини тўлай олиш қобилиятидир.

Банк баланси ликвидлиги - банк активлари тезда пул маблағларига айланган ҳолда унинг пассивларидаги муддатли мажбуриятларини қоплаш қобилиятига эга бўлган банкларнинг балансига айтилади.

Банк тизими ликвидлиги деганда мамлакатнинг бутун банк тизими ликвидлиги тушунилади. Бутун банк тизими ликвидлигини Марказий банк марказлашган тартибда, яъни барча банкларга турли ликвидлик меъёрларини ўрнатиш, электрон тўлов тизимининг самарали механизмини яратиш, мамлакат ҳудудида пул муомаласини тартибга солиш, шунингдек, пул-кредит сиёсатининг асосий дастаклари билан назорат қилиш орқали таъминлайди.

Банк активлари ликвидлик даражасига кўра уч асосий гуруҳга бўлинади:

1-даражали тезда пулга айланадиган юқори ликвид активлар:

а) кассадаги ва йўлдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул ҳужжатлари;

б) МБ вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиқлари;

в) “Ностро” ва “Востро” ҳисобварағи қолдиқлар;

г) мажбурий резервлар ҳисобварағи бўйича маблағлар қолдиғи;

д) қимматли қоғозлар, хазина векселлари, давлат облигациялари,

ЎРМБ нинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2-даражали пулга айланиши мумкин бўлган ликвид активлар:

а) берилган кредитлар (жумладан, банклараро ҳам);

б) ўз инвестициялари;

в) бошқа қимматли қоғозлар, муддати 30 кунгача бўлган дебиторлар;

3-даражали ноликвид (паст ликвидли) активлар:

а) муддати ўтган ссудалар;

б) муддати ўтган фоизлар;

- в) суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;
- г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- д) асосий воситалар киради.

Ликвидлик динамикаси ёки резервларнинг ортиқчалигига уч омил таъсир этади:

-жамғармаларнинг ўсиш ёки камайиши туфайли маблағларни тўплаш ёки сарфлаш;

-кредит ва инвестициялар ҳажмининг ошиш ёки тушиши оқибатида маблағларни тўплаш ёки сарфлаш;

-жамғармаларнинг ўсиш ёки камайиши туфайли мажбурий захиралар ҳажмининг ошиши ёки тушиши.

Тижорат банкининг ликвидлигини бошқариш назариялари.

Банк ликвидлигини бошқаришнинг ҳозирда тўрт хил назарияси мавжуд:

1.Тижорат ссудалари назарияси. Бу назария 18-асрда Англияда пайдо бўлган. Унга кўра, банкнинг активлари қисқа муддатли ссудаларга жойлашган тақдирда, банк ўз ликвидлигини сақлаб қолади. Кредитлар фақатгина оборот маблағларини шакллантириш ва “пул- моддий товар захиралари-реализация-дебиторлик қарзлари-пул” қонунининг бажарилишига, яъни ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмолгача бўлган жараённинг бажарилишига қаратилган. Аммо, бу назарияда ривожланаётган иқтисодиётнинг кредитларга эҳтиёжи ҳисобга олинмайди, чунки иқтисодий таназул шароитида қисқа муддатли ссудалар ҳам сўндирилмай қолиши мумкин. Бундан ташқари фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган корхоналар янги ер, бино, иншоот ва воситаларни сотиб олишга ва узоқ муддатли кредитга эҳтиёж сезади, бу эҳтиёжнинг бажарилишини банклар ёқламаганлиги учун тижорат майдонига кредит уюшмалари, жамғарма кассалари ва бошқа молия муассасалари каби рақобатчилар чиқа бошладилар ва улар корхоналар учун узоқ муддатли кредитлар ажрата бошладилар.

2.Жойдан жойга кўчириш назарияси (*shiftability theory*). Бу назарияга кўра, банкларнинг активлари осонликча бошқа кредиторлар ва инвесторларга реализация қилинадиган бўлиши керак. Бунда кредит таъминоти учун олинган ликвидли активлар, масалан, қимматли қоғозлар исталган пайтда сотилиши ёки шу қимматли қоғозлар эвазига Марказий Банкдан ресурс жалб қилиш мумкин. Бу қимматли қоғозлар иккиламчи резерв вазифасини бажаради ва уч талабга жавоб бериши: юқори сифат, тез сотилиши ва қисқа муддатга мўлжалланиши керак. Инқироз шароитида ликвидли активлар фонд бозоридаги котировкалар кескин тушиб кетиши оқибатида кадрини йўқотиши мумкин. Аммо, юқори ликвидли активларнинг даромадлилиги паст бўлади.

3.Кутиладиган даромад назарияси. Банк кредит учун олинган таъминот объекти ёрдамида эмас, қарз олувчининг бўлғуси даромадлари асосидаги пул оқимларини таҳлили орқалигина режалар тузиши лозим. Саноат учун берилган кредитлар истеъмол учун берилган кредитлардан ликвидлироқ, ўз навбатида, истеъмол кредитлари ипотека кредитларидан ликвид, яъни уларнинг rischi камроқ ва муддати қисқа. Аммо, ҳар доим ҳам қарз олувчининг барча пул оқимларини ҳамиша ҳам назорат қилиш имкони бўлавермайди, кутилмаган вазиятлар қарз олувчининг пул оқимларини тўхтатиб қўйиши мумкин. Банкнинг инвестицион портфели шундай ташкил топиши керакки, бунда қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган маблағларнинг сўндирилиш муддати кредит портфели бўйича тўловларга яқин бўлиши керак.

4.Пассивларни бошқариш назарияси. Бу назариянинг асоси ликвидликни таъминлаш учун бозордан активларни сотиб олишга қаратилган.

Биринчидан, банклар ликвидлик муаммосини ҳал қилишда валюта бозорлари орқали қўшимча маблағлар жалб этадилар, бу усул ғарб мамлакатларида кенг тарқалган.

Иккинчидан, ликвидни сақлаш учун ресурслар Марказий банк, тижорат банклари ва евровалюталар бозоридан жалб этилади. Аммо, баъзи пайтларда маблағларни жалб эта олиш имконияти банкнинг талабига эмас, балки обрў ва мавқеига боғлиқ бўлиши мумкин.

Инфляция шароитида фоиз ставкаларининг ўзгариши хўжалик юритувчи субъектларга бевосита таъсир кўрсатади ва улар фаолиятининг узлуксиз бўлиши учун кредитга эҳтиёж сезадилар ва ушбу даврда корхоналарнинг банклардаги муддатсиз депозитлари ҳажми ошмайди. Бунда ресурсга талаби бўлган банклар нодепозит маблағларни жалб этишга ҳаракат қиладилар.

Ликвидлик ҳолатини бошқаришда 2 та йўналишни ажратишимиз мумкин:

Биринчиси, резервларни доимий назорат қилиш сиёсати. Бу шунинг англатадики, банкда даромад келтирмайдиган активларни ошишига йўл қўймаслик керак.

Иккинчиси, резервларни бир даражада сақлаб туришни қўллаб-қувватлаш сиёсати, яъни мажбурий резерв нормалари, жалб қилинган депозитларга резервлар ва ҳ.з.

Ликвид маблағларга бўлган талабни режалаштиришда нақд пулларни бошқариш, яъни мижозларнинг талабини қондириш мақсадида мажбурий резервларни бир маромда сақлаш лозимдир. Шуларни инобатга олган ҳолда банк кассасидаги пуллар кун давомида, яъни пул тушум ва чиқимбитимларини амалга ошириш натижасида ўзгариб боради.

Банк амалиёти шунинг кўрсатадики, ликвидлилигининг етарли даражасини таъминланмаслиги банк фаолиятидаги жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатнинг юзага келиши одатда банкдаги депозитларнинг йўқотилишига, бу эса нақд пул маблағларининг камайишига ва банк активларидага ўта ликвид қимматли қўғозларнинг сотилишига сабаб бўлади. Банк ликвидлилигини бошқа банклардан олинган кредитлар ҳисобига ҳам қондириш мумкин. Аммо, бошқа банклар

юқори фоиз ставкада кредитлар тақдим этади ёки берилаётган кредитларга қўшимча таъминот қўйишни талаб этишади. Бу эса, банк оладиган даромаднинг камайишига сабаб бўлади.

Банкларнинг ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш учун ликвидлиликни бошқаришнинг бир қанча стратегиялари мавжуддир. Булар:

1. Активлар ҳисобига ликвидлиликни таъминлаш стратегияси (активларни бошқариш орқали ликвидлиликни бошқариш). Бу стратегияга мувофиқ банк активларни тез сотиладиган қимматли қоғозларга жойлаштиришни назарда тутди. Агар, ликвид маблағларга талаб юзага келадиган бўлса банк нақд пулларга бўлган талабни қондиргунча ўз активларини сотади. Одатда ликвидлиликни бошқаришнинг ушбу стратегияси активларнинг трансформацияси деб аталади, чунки пул қўринишида бўлмаган активлар нақд пулга айланиши ҳисобига ликвид маблағлар юзага келади.

Ликвид активлар учта хусусиятга эга бўлиши лозим:

- ◆ тез пулга айланиши учун ўз бозорига эга бўлиши лозим;
- ◆ бозорларда барқарор баҳога эга бўлиши ;
- ◆ сотувчи минимал риск орқали бирламчи инвестицияни қоплай олиш имкониятининг бўлиши лозим.

Активларни бошқариш орқали ликвидлиликни бошқариш стратегияси одатда майда банклар фаолиятида қўлланилади, чунки ушбу ликвидлиликни бошқариш методи қарз ликвид маблағлари орқали активларни трансформациялаш стратегияси ликвидлиликни бошқаришнинг арзон йўли ҳисобланмайди. Активларни сотилиши банкнинг келгуси даромадларини йўқолишига сабаб бўлади. Шунингдек, кўп активларнинг сотилиши қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда брокерларга тўланадиган комисион харажатлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, нақд пул маблағларига эга бўлиш мақсадида активларнинг сотилиши банк балансининг ёмонлашувига олиб келади,

аммо бу активлар (мисол учун давлат қисқа муддатли облигациялари)ни мавжуд бўлиши банкнинг молиявий фаолияти барқарорлигидан далолат беради.

2. Пул маблағларига талабни қондириш учун ликвид қарз маблағларидан фойдаланиш стратегияси (пассивларни бошқариш). Кўпгина йирик банклар ликвид маблағларнинг манбаси сифатида кўпроқ пул бозоридаги қарз маблағларидан фойдаланишади. Одатда бу стратегияни пассивларни бошқариш деб аталади. Бунда тижорат банклари ўзларининг ликвид маблағларга бўлган талабларини йирик микдордаги депозит сертификатларини ва бошқа банклардан олинган кредит маблағлари орқали таъминлашади. Пассивларни бошқариш стратегияси орқали маълум бир муддат учун қарз маблағлари ҳисобига ликвидлилик таъминланади. Бу стратегияни йирик банклар амалга оширишининг асосий сабаби шундаки, банкларнинг ўз маблағларига нисбатан мажбуриятларининг ортиши ва банк балансида тез пулга айлана оладиган активларнинг етарли даражада бўлмаслиги, банкнинг тўловга лаёқатсиз бўлиш rischi юзага келиши мумкин ҳамда банк ликвид маблағларга бўлган талабини қондира олмай қолиши мумкин.

3. Актив ва пассивларни бошқариш қарз ликвид маблағларини бошқариш стратегиясининг рисклигини ва активларда ликвид маблағларнинг юқори баҳосини ҳисобга олган ҳолда, банклар ликвидлиликни бошқаришнинг актив ва пассивларини бошқариш стратегиясини танлайдилар. Бу стратегияга мувофиқ ликвид маблағларга кутилаётган талабнинг бир қисми тез сотиладиган қимматли қоғозлар ва бошқа банклардаги депозит кўринишларида сақланади, шу пайтда ликвид маблағларга бўлган бошқа талаблар банк корреспондентлар билан очилган кредит линиялари ва бошқа маблағлар орқали қондирилади. Кутилмаганда юзага келадиган ликвид маблағларга талаблар қисқа муддатли кредитлар орқали қопланади.

Тижорат банклари томонидан қачонки банк депозитларини энг барқарор даромад манбаси эканлиги амалиётда халққа кўрсатила олинар экан, шунда банкларнинг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш муаммоси барҳам топишига эришишимиз мумкин бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлилик ҳолати асосан қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади:

❖ “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун. 1995 йил 21 декабр.

Ушбу Қонуннинг 47-моддасига кўра, Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири ва монетар сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

Қонуннинг 52-моддасига кўра, Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган ликвидлилик коэффицентлари даражаларини ўрнатади.

❖ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел.

Ушбу Қонуннинг 25-моддасига кўра, банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши заҳираларни ташкил этишлари шарт, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлашлари лозим.

Қонуннинг 39-моддасига кўра, банклар маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун ўз миждозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

❖ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни. 2005 йил 16 декабр.

❖ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрель.

❖ Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.

❖ Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. 2008 йил 22 июль.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низоми. 1998 йил 2 ноябрь.

Ушбу Низомда ликвидлиликнинг умумий қоидалари, тушунчалари, ликвидликни бошқариш ҳамда унинг стратегияси, ликвидликни бошқариш воситалари ва ликвидликни баҳолаш бўйича талаблар кўрсатилган бўлиб, уларнинг шарҳини кейинги бобларда ёритиб ўтаман.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир” 534-сонли Йўриқномаси. 2008 йил 17 май.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги 1518-сонли Йўриқномаси. 2005 йил 10 октябр.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисида”ги 619-сонли Низоми. 2011 йил 22 январ.

❖ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2009 йил 15 августдаги 701-сонли Низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.


1.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ликвидлилигига ўрнатилган иқтисодий меъёрлар.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасига кўра, Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий бўлган ликвидлилик коэффициентлари даражаларини ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низомига кўра ҳар бир банкда Ресурсларни бошқариш Қўмитаси тузилиши лозим ҳамда унга ликвидликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида турли банк бўлинмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилиши керак.

Ресурсларни бошқариш Қўмитаси таркибига банкнинг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари кириши керак. Бу Қўмигага банк Бошқаруви Раиси раҳбарлик қилади.

“Алоқабанк” очик акциядорлик тижорат банки Ресурсларни Бошқариш Қўмитасининг таркибий тузилиши 4-расмда акс этган.



4-расм. ОАТ “Алоқабанк” Ресурсларни Бошқариш Қўмитаси таркибий тузилиши.

Ликвидликни бошқариш сиёсати ликвидликни бошқариш бўйича асосий ҳолатларни қамраб олиши ҳамда банкнинг турли хил молиявий воситаларни қўллашга нисбатан муносабатини, масалан, турли молиявий воситалардан фойдаланишини аниқ ифода этиши лозим.

Ликвидликни бошқариш сиёсати банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши шарт. Бунда ликвидликни бошқариш бўйича қарорлар банк Кенгашида мунтазам равишда кўриб борилиши керак.

Қўмита ҳафтасига камида бир марта бизнес-режа ва банк фаолиятининг иқтисодий шароитга асосланиб, ресурсларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжларни кўриб чиқиш учун йиғилиши лозим.

Қўмита қарорлари банк бўлинмалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тезкор ва стратегик тавсияномалар кўринишида бўлиши лозим. Учрашувлар бошлангунга қадар Қўмита аъзолари зарурий таҳлил келтирилган тегишли ҳисоботлар билан таъминланиши лозим.

Банк қуйидаги вазифалар юклатилган таркибий бўлинмага эга бўлиши лозим:

- банк ликвидлик ҳолатининг ҳар кунлик кузатуви;
- раҳбариятга банкнинг ликвидликка муносабати тўғрисида кундалик ҳисоботларни тайёрлаш, бунда ликвидликни қисқа муддатли режалаштириш ҳам ҳисобга олиниши керак;
- барча банк бўлимларидан керакли бўлган ахборотларни олиш ваколатига эга бўлиш.

Кундалик ҳисоботлар етти кунлик давр ичида ликвидликнинг қисқа муддатли камайишини ёки ортиқчалигини акс эттириш учун етарли даражада батафсил бўлиши ҳамда маблағларни жалб этиш ва инвестициялаш бўйича талаб қилинган тавсияномалар билан таъминлаши лозим. Ушбу бўлинма маълум давр ичида (ой, чорак, йил якунлари бўйича) банк Бошқаруви ва Кенгашига банкнинг ликвидлик позицияси ҳолати тўғрисида умумлашган ҳисоботлар тақдим этиши керак. Ликвидлик ҳолати тўғрисидаги кундалик ҳисобот иловада келтирилган.

Узоқ муддатли режалаштиришнинг активлар ва мажбуриятларни тўлаш жадвалини (ҳеч бўлмаганда бир ойлик муддатга) тайёрлаш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бу жадвалда маълум вақт оралиғида ликвидликнинг меъёридан ошиб кетиши (камайиб кетиши) акс этиши ва раҳбариятни муаммоларнинг олдини олиш чораларини кўриш учун имкониятни яратиб бериш ҳамда молиявий активларни ва мажбуриятларни маълум бир сўндириш тоифалари асосида кузатиши лозим.

Бошқарув ахборотининг аниқлиги банк раҳбариятининг банк жорий ликвидлик ҳолати ва маблағларига келажакда бўладиган эҳтиёжини етарли даражада баҳолаш имкониятига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳисоботлар (ахборот) раҳбариятга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини бериш учун ўз вақтида берилиши ва етарли даражада батафсил бўлиши керак. Бундай ҳисоботлар қуйидагиларни ўз ичига олиши, лекин фақат шулар билан чегараланиб қолмаслиги лозим:

- молиявий ресурсларнинг энг йирик манбалари, тармоқ ва географик ҳудуд бўйича ресурслар манбаларининг жамланганлиги;

- асосий номувофиқликларни аниқлаш учун активлар ва пасивларни тўлаш жадвали;

- ликвид активлар ва депозитларнинг олдинги трендлари (динамикасини акс эттирувчи жадваллар);

- балансдан ташқари мажбуриятлар;

- берилиши кутилаётган кредитлар;

- активларнинг даромадлилиги ва жалб қилинган ресурсларнинг қиймати;

- иқтисодиётнинг аҳволи, шу жумладан, асосий иқтисодий индикаторлар ва фоиз ставкаларининг ўзгариши тахминлари.

Ҳар бир банк ўз операциялари ҳажми ва мураккаблигига боғлиқ ҳолда банк ликвидлигини самарали тарзда кузатиш имконини берувчи ўз ахборот тизимларига эга бўлиши лозим. Бунда тизимларнинг мураккаб дастурий таъминотга асосланиши эмас, балки уларнинг банк операциялари кўлами

ва мураккаблигига мослиги асосий аҳамиятга эга. Тизимлар раҳбариятнинг зарурий ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва тўлиқ кондиритиш керак. Бундай тизимлар, шунингдек банкнинг турли ҳолатлардаги фаолиятини моделлаштириш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Банк ликвидлигини самарали бошқариш активлар ва пасивларни бошқаришни ўз ичига олиши лозим. Ликвидликни бошқаришга бўлган талаблар банк балансининг актив ва пасив қисмларини бошқаришни таъминлаши лозим.

Балансининг актив қисмида банк ликвидлигини бошқариш учун сотилиши осон бўлган акцияларни, яъни ДҚОни харид қилиш ёки уларга эгалик қилиш ёхуд захираларни кўпроқ ташкил қилиш ва сотилиши қийинчилик туғдирмайдиган пул маблағларига айлантириш кўп вақтни олмайдиган қисқа муддатли қўйилмаларни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Банк раҳбарияти бозор иқтисодиёти даврида банкка маблағларни жалб қилишнинг турли йўллари аниқлаши лозим. Банк ликвидлигини бошқаришни йўлга қўйишда қуйидаги омилларни таҳлил қилган ҳолда қарорлар қабул қилиш керак:

- жорий ликвидлик ҳолати;
- ресурсларга бўлган талабнинг даврий ўзгариб туриши;
- ресурсларга бўлган талабларнинг мўлжалланаётган ўзгаришлари;
- ресурслар манбалари. Раҳбарият банклараро бозорда активларни сотиш ва харид қилишни ёки бошқа манбаларни танлаши лозим;
- ресурсларнинг қиймати;
- активларнинг сифати. Барча банк раҳбарларига маълумки, активларнинг сифати банк ликвидлигига таъсир қилади. Муаммоли кредитлар, яъни муддати ўтган фойда келтирмаётган кредитлар ва пул маблағлари ҳаракатининг камлиги банк ликвидлигига таъсир кўрсатади;

- ресурсларнинг жамланганлиги. Масалан, банкнинг давлатнинг ва йирик корхоналарнинг депозитларига ҳаддан ортиқ қарамлиги банкнинг ликвидлик таваккалчилигининг ошишига сабаб бўлади. Чунки ушбу депозитлар ҳар хил бюджет тўловлари ёки иш ҳақи тўлаш учун ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин;

- банкнинг капитали ва фойдалилигини ҳисобга олган ҳолдаги банкнинг умумий молиявий ҳолати. Банкнинг молиявий ҳолати ёмон бўлса, талаб қилинаётган воситаларни йўл қўйиб бўлмайдиган юқори нархларда олиши ёки банклараро бозорга кира олмаслиги мумкин. Воситалардан фойдаланишнинг имкони бўлса-да, қарз берувчи ДҚО ёки депозит сингари юқори ликвидли ёки осон сотилувчан таъминот берилишини талаб қилади. Банк эса бунга йўл қўя олмайди;

- балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматбаҳо қоғозлар ва валютани сотиб олиш учун тузилган келишувлар.

Маблағларни жойлаштириш ҳақидаги қарорларга жуда кўп, баъзан бир-бирига зид омиллар таъсир этади. Масалан, агар раҳбарият нақд пул каби юқори ликвидли йирик активларга эга бўлишни истаса, у жорий даромаддан воз кечади. Банклараро бозорда анча арзон ресурсларни олиш имконияти мавжуд бўла туриб, ликвидликка бўлган талабни қондириш мақсадида юқори ликвидли ДҚОларни сотиш ҳам даромад олмасликка сабаб бўлиши мумкин.

Банклар кўп усуллар билан ресурсларни кўпайтириши мумкин: доимий равишда депозитларни жалб қилиш, банклараро ёки Марказий банк кредитларини олиш каби усуллар орқали. Жалб қилинган маблағлар нархларнинг рақобатлилиги ва мажбуриятларни қайтариш муддати активларни қайтариш муддатига мос келиши керак.

Активлар ва мажбуриятларни қайтариш муддатларининг мос келмаслиги ликвидлик хатарининг асосий манбаи ҳисобланади. Ликвидликни самарали бошқариш деганда, банклар бу

номутаносибликларни англаган ҳолда мавжуд хатарни камайитириш учун етарли чораларни кўриш йўли билан ликвидлилик позициясини мустаҳкамлашни тушуниши керак.

Банкнинг ликвидлилик позицияси биринчи навбатда унинг ресурслар базаси барқарорлигига боғлиқ. Турли воситалар орқали ресурсларни жалб қилишнинг барқарорлигини аниқлашда биринчи галда ресурсларнинг манбаларини кўриб чиқиш керак. Турли пассив тоифалар даражаларининг барқарорлигига боғлиқ ҳолда баъзи умумлаштиришларга йўл қўйилиши мумкинлигига қарамасдан (ҳар қандай вақтда анча юқори ставкаларга интилиб, банкдан чиқиб кетиши мумкин бўлган йирик депозит сертификатларига нисбатан жамғарма ҳисобварақлари анча ишончлидир, жорий депозитларга нисбатан узоқ муддатли депозитлар анча барқарордир) ресурс манбаи тури муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, узоқ муддатли кредит олган банк акциядорлари ёки қарз олувчиларига тегишли бўлган йирик депозитлар одатда рақибларнинг бироз юқори фоиз ставкалари бўйича таклифларидан сўнг банкдан чиқиб кетиши тенденциясига эга бўлмайди.

Активларни сотиш билан бир қаторда нақд пулнинг тезда ортишига эҳтиёж сезган банк кредитлар учун банклараро бозорга мурожаат қилиши мумкин. Банкнинг ушбу бозордан кредит олиш имкониятлари бир нечта омиллар билан биргаликда банкнинг молиявий ҳолатига, капиталнинг етарлилигига, бозорнинг фикрини билган ҳолда юқори ликвидли гаровнинг мавжудлигига, бозорнинг ликвидлигига ва умумий макроиқтисодий аҳволга боғлиқдир.

Банклараро кредитлар бозори ресурсларнинг муҳим ва йирик манбаи бўлиб ҳисобланади. Ушбу бозорда операциялар қуйидаги муоммоларни ҳал этиш учун хизмат қилиши мумкин:

- тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидаги захираларнинг тақчиллигини қоплаш ва уни талаб даражасига етказиш;

- мўлжалланаётган узоқ муддатли кредитлаш эҳтиёжи вужудга келгунча ёки йирик депозитни қайтариш талаби билдирилгунча ресурсларни самарали жойлаштириш (шу жумладан, камида бир кунлик муддатга) учун шароит яратиш - Марказий банкдан олинган кредитларни қайтариш.

Банклараро бозор иштирокчилари бошқа ҳар қандай иштирокчига ортиқча захирани қарзга бериши (олиши) мумкин. Банклараро бозордаги операциялар қарз олувчи ёки қарз берувчи истак билдирганда бошқа банкларга ресурслар сотиш ёки сотиб олиш таклифи билан мурожаат қилиб, амалга оширилиши мумкин.

Репо операцияларида қўлланилувчи қимматли қоғозлар осон сотилувчи ва ликвид воситалар, яъни ДҚОлари кўринишида бўлиши керак. Агар банклар бошқа қимматли қоғозларни афзал деб билса, у ҳолда қарз берувчи томон уларнинг юқори ликвидлик талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиши ва уларни ўзларида сақланишини таъминлаши керак. Бундан ташқари томонлар қимматли қоғозларни учинчи томонда сақлаш ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Репо операциялари Марказий банк талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Келишувда ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиши керак. Кредит берувчи томон қимматли қоғозларнинг тўлов муддатига қараб гаров қийматининг кредит қийматидан камида 10% фоизга юқори бўлишини таъминлаши керак. Тўлов муддати қанча яқин бўлса, маржа шунчалик катта бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низомига кўра барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим.

Жорий ликвидлилик коэффиценти. Бу коэффициент банкнинг жорий активларнинг, яъни тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активларининг (банк қўйилмаларининг бир марта бўлса ҳам

муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар истисно қилинади) талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммаси ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич **30%** дан кам бўлмаслиги керак, яъни банкнинг жорий ликвидлиги:

$$Л_{\text{жорий}} = (ЖА / ЖМ) * 100\%$$

Бунда: ЖА - қайтариш муддати 30 кунгача бўлган жорий активлар ва кредитлар; ЖМ - қайтариш муддати 30 кунгача бўлган ва талаб қилиб олингунга қадар бўлган мажбуриятлар.

Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти. Бу коэффициент банкнинг юқори ликвид маблағларининг (банкнинг оборот ва резерв кассаларидаги нақд пул маблағлари ва вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар) муддатсиз мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади. Бунда:

$$Л_{\text{лаҳзали}} = (ПМ / ММ) * 100\%$$

Бунда: ПМ-банкнинг пул шаклидаги активлари; ММ-банкнинг талаб қилиб олингунга қадар бўлган варақалар бўйича мажбуриятлари. Бу меъёр банк активларининг пул маблағлари қисми банкнинг энг нобарқарор ресурсларини қанчалик даражада қоплай олиш имконини кўрсатади. Шунинг учун мақсадли ликвидлиликни банклар ҳар куни текшириб боришлари ва унинг минимал миқдори **25%** дан кам бўлмаслигини таъминлашлари лозим.

Қисқа муддатли ликвидлилик коэффиценти. Бу коэффициент тўлов муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активларининг банкнинг муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган депозитлари ва бошқа мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади, яъни

$$Л_{\text{қисқа}} = ҚМА / ҚММ,$$

Бунда: ҚМА-тўлаш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган банк активлари;

ҚММ-муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган жалб қилинган депозитлар ва жалб қилинган ресурслар.

Бу кўрсаткичнинг ҳажми **мах 100%** га тенг бўлиши зарур.

Ундан ташқари, Низомда тижорат банклари ликвидлилигини аниқлашнинг қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниши кўрсатилган.

1. Ликвид активлар (захиранинг ортиқча қисми, эркин айирбошланадиган валюта, ДҚО лари, бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари) / Жами активлар.

2. Доимий бўлмаган мажбуриятлар (йирик депозитлар/ маълум манбалардан олинган қарзлар) / Жами активлар.

3. Ликвид активлар / Доимий бўлмаган мажбуриятлар

Ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши банкнинг ресурслар барқарор бўлмаган манбаларга таянганлиги ёки банк портфелидаги юқори ликвидли активлар улушининг камайганлигини англатади.

4. Кредитлар/Депозитлар - депозитларнинг, айниқса, майда омонатчиларга тегишли қисми одатда ресурсларнинг барқарор манбаидир. Кўрсаткичнинг жуда юқори қиймати (80 фоиздан ортиқ) ёки ўсиши дастлабки муаммолар банкдан чиқиб кетадиган ресурслар (банклараро бозорлардан олинган қисқа муддатли қарзлар) манбаларига бўлган талабнинг пастлигини билдиради.

Тижорат банкининг тезкор кундалик (хафталик) ликвидлилигини баҳолашда қуйидаги ликвидлилик ҳисоботидан фойдаланилади:

I. Жорий ҳолат:

- нақд пуллар;
- Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақағи;
- хазина векселлари, ҳукуматнинг бошқа қимматли қоғозлари (гаровга қўйилганлардан ташқари);
- банкларга берилган кредитлар (овернайт);
- бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақамлари;
- тўлов муддати келган бошқа банклардан олинадиган депозитлар;

тўланадиган кредитлар (асосий қарзнинг жорий қисми);

-тўланадиган бошқа активлар.

II. Кутилаётган бошқа молиявий маблағлар:

-депозитларни ўсиш даражаси;

-тўлов муддати келган кредитлар;

-бошқа активлар.

III. Молиялаштиришдан кутиладиган талаб:

-янги кредитларни молиялаштириш;

-депозитларнинг чиқиб кетиши;

-асосий воситаларни сотиб олиш;

-тўлов муддати келган бошқа мажбуриятлар.

IV. Балансдан ташқари бошқа мажбуриятлар:

-молиялаштириладиган кредит линиялари;

-аккредитив бўйича тўловлар;

-тўлов муддати келган қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича мажбуриятлар;

-тўлов муддати келган чет эл валютасини сотиб олиш бўйича мажбуриятлар;

-тўлов муддати келган бошқа мажбуриятлар.

V. Етишмаётган ёки ортиқча ресурслар (I+II-III-IV=V).

Натижа мусбат бўлса, ортиқча ресурс, манфий бўлса, ресурс танқислигидан далолат беради. Тақчиллик юзага келган ҳолда, уни қай тарзда қоплаш (банклараро бозор, активларни сотиш, Марказий банкдан қарз олиш ва ҳ.к.) тўғрисида ҳамда агар ортиқча бўладиган бўлса, кейинги даврлардаги ликвидлик талабларини ҳисобга олган ҳолда маблағларни қай тарзда фойдалироқ жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

1.3. Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлашда иқтисодий меъёрларнинг хориж тажрибаси.

Ҳозирги кунда халқаро банк амалиётида тижорат банклари учун зарур ликвид маблағларнинг даражаси мажбурий бўлган умумий формула ёки меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган. Ҳар бир давлат Марказий банклари банк тизими учун зарур бўлган иқтисодий меъёрларни ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибасидан ҳамда Халқаро Базель Қўмитасининг янги тавсияларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди ва амалиётга татбиқ этади. Ўз навбатида, ушбу иқтисодий меъёрлар мамлакат банк тизимининг барқарорлигига, иқтисодиёт ва ундаги дастурий-мақсадли, узоқ муддатли, цикли, тасодифий ва мавсумий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади.

Базель II нинг 14-принципига асосан, ликвидлик даражасини зарур даражада сақлаш учун тижорат банки ликвидликни бошқариш бўйича конкрет стратегияга эга бўлиши, ликвидликни ҳар куни назорат қилиши ва ликвидлик муаммосига дуч келганда аниқ муқобил ечимлар режасини тузиши зарур¹.

Базель II талабларига кўра, биринчидан, банк ликвидлилик бўлими бошқаруви балансдан ташқари мажбуриятларга балансдаги мажбуриятлар каби катта эътибор бериши лозим, яъни мажбуриятлар комплекс равишда ўрганилиш лозим;

Иккинчидан, ликвидликни бошқариш стратегияси аниқ ва тушунарли ҳолда бўлиши ва банк кенгаши томонидан тасдиқланиши, назорат қилиниши, мониторинг ўтказишни кучайтириши лозим;

Учинчидан, ликвидлик стратегиясида вужудга келадиган рискнинг даражаси ҳақида бошқарув аъзоларининг воқиф бўлиши зарур;

Тўртинчидан, бошқа операция рискларининг (кредит, бозор ва оператив рисклар) ликвидлик даражасига таъсир этиши ва доимий муқобил вариантларнинг тайёр бўлиши;

¹ www.bis.org – халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-сайти.

Бешинчидан, ҳар бир хорижий валюта тури бўйича таҳлил олиб бориш, чегирмалар белгилаш ва уларни ўзгартириб туриш.

2010 йил сентябрь ойида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк капитали ва ликвидлилигининг янги стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банклар капитали етарлилига минимал талабларнинг тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга “G-20” - катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банклар ўз капиталларини ва ликвидлик меъёрларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда¹.

Базель III талаблари ўзи нималардан иборат, деган савол юзага келиши аниқ. Ушбу саволга батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда².

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда.

Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Яна бир янги тушунча - бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инқирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да

¹ www.wikipedia.com веб-сайти маълумотлари асосида.

² www.bis.org – халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-сайти.

бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Демак, Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи, биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади.

Базель-III тавсияларини қўллашдан кўзланаётган асосий мақсадлар:

- банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган инқирозларга қарши тура олиш имкониятини ошириш;
- риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
- банклар фаолияти, капитал базаси шаффофлигини (транспарентлиги) кучайтириш.

Базель-III негизидаги асосий янги талаблар:

- капитал етарлилигига нисбатан янги талаблар (оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш, қўшимча махсус захира капиталини шакллантириш);
- 2 та ликвидлилик коэффицентига (liquidity coverage ratio, net stable funding ratio) нисбатан меъёрий талабларни жорий этиш;
- левераж коэффицентини жорий қилиш (Бунда коэффицентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъёрий даражаси 3 фоиз этиб белгиланади).

Халқаро Базель кўмитасининг капитал етарлилигига қўйилган янги талабларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал):

**Банк капитали етарлилиги бўйича Базель III талабларини жорий
этиш муддатлари¹ (тегишли молия йилининг 1 январь ҳолатига).**

Кўрсаткич номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Базавий I даражали капитал (Оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га минимал талаб	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали	-	-	-	0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Базавий I даражали капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан маълум бўладики I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2013 йил 1 январга келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Базавий I даражали капитал эса (оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлаб 3,5%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer) шакллантирилиб, унинг меъёрий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланади. Контрциклик захира капитали (Countercyclical Capital Buffer) миллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий I даражали капиталнинг 2,5 %и миқдорида белгиланади.

¹ www.bis.org – халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-сайти.

Бундан ташқари Базель-III га мувофиқ, банкларга капиталнинг 15 фоиздан ошмайдиган миқдорда консолидациялашмаган молиявий муассасаларнинг оддий акцияларига инвестициялар қилишга рухсат берилади. Инвестицияларнинг юқоридаги 15 фоиздан ортиқ қисми 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб капитал таркибидан 100 фоиз чегириб ташланади.

Базель-III нинг янги тавсияларига кўра тижорат банклари ликвидлигига нисбатан ҳам янги талаблар белгиланади¹:

1. Жорий ликвидлилик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб:

LCR	=	Юқори ликвид активлар	≥ 100%
		30 кун мобайнида соф пул чиқимлари	

2. Соф барқарор манбалар коэффиценти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб:

NSFR	=	Мавжуд барқарор манбалар	≥ 100%
		Талаб қилинган барқарор манбаларнинг фойдаланилиши	

Юқоридаги янги талаблар банк тизимида жорий этилишида қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин:

- Оддий акциялар салмоғини ошириш учун қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ва инвесторларни жалб этиш, акциялар таклифининг ортиши ҳисобига акция баҳосининг пасайиши;
- Тақсимланмаган фойда салмоғини ошириш борасида акциядорлар ўртасида манфаатлар келишмовчилигининг юзага келиши;
- Янги ликвидлилик талабини жорий этиш ҳисобига даромадлиликнинг пасайиши;

¹ www.bis.org – халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-сайти.

➤ Банкларнинг кредитлаш кўламининг қисқариши ва ҳ.к.

Кўплаб давлатларда банклар ликвидлик кўрсаткичлари муддатлари бўйича гуруҳланган, баланснинг актив ва пассив моддалари нисбати асосида ҳисобланади. Масалан, Францияда бундай муддат 3 ой ҳисобланади. Францияда банклар ликвидлигини таъминлаш учун банк мажбуриятларини жалб қилганда айнан ана шу муддатга уларни жойлаштирган. Тижорат банклари бу ҳисоб-китоб натижаларини назорат органларига ҳар чорақда тақдим этишлари шарт. Мазкур кўрсаткичларнинг минимал даражаси 60% дан кам бўлмаслиги керак.

Буюк Британия тижорат банклари Англия банки (Марказий банк) да ҳар ойда пул маблағлари, "Ностро" ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар, талаб қилиб олгунча депозитлар ва бир кун муддатга жойлаштирилган қимматли қоғозлар ва қайта ҳисобга олувчи векселларни барча жалб қилинган ресурсларга нисбати орқали акс эттирувчи ликвидлик меъёрига риоя қилганлик тўғрисида маълумот беради. Бундан ташқари, тижорат банклари Англия банки олдида ҳисоботни талаб қилмайдиган бошқа ликвидлилик меъёрларини ҳам ҳисоблайди. Улар:

- бир ой муддатга жойлаштирилган активлар сўндирилишининг худди шу муддатли мажбуриятларга нисбати;
- олти ой муддатга жойлаштирилган активларнинг худди шу муддатли мажбуриятларга нисбати орқали ифодаланади.

Германия тижорат банклари ҳам ҳар ой Германия Федерал банки олдида баланс ликвидлиги тўғрисида ҳисобот беради. Германияда меъёр билан тижорат банкларига қуйидаги нисбатларга амал қилиш мажбурияти белгиланган. Уларга қуйидагилар киритилади:

- қисқа муддатли ва ўрта муддатли қўйилмаларнинг (4 йилгача) шунга тенг муддатли жалб қилинган ресурслар ва омонатларга нисбати;
- узоқ муддатли қўйилмаларнинг (4 йил ва ундан ортиқ муддатга) худди шу муддатга жалб қилинган ресурсларга нисбати.

**Баъзи хорижий давлатлар амалиётида тижорат банклари ликвидлиги
учун мавжуд меъёрлар тугрисида маълумот¹.**

Мамла- катлар	Мажбурий меъёрлар ўрнатилган лиги	Назорат тартиби
1.Франция	мавжуд	Банклар 3 ой муддатга мавжуд активларини мажбуриятларига нисбати орқали ҳар чоракда назорат органларига ҳисобот беради. Ушбу кўрсаткич минимал рухсат этилган даражаси 60% дир.
2.Германия	мавжуд	Узоқ муддатли ликвидлик меъёри 4 йиллик муддатдан ортиқ активлар умумий суммаси шу муддатдаги мажбуриятларга нисбати орқали аниқланади. Қисқа ва ўрта муддатли ликвидлик меъёри қисқа ва ўрта муддатли активлар умумий суммаси айнан шу муддатли мажбуриятларга нисбати орқали чегараланган.
3.Россия	мавжуд	Лаҳзалик, жорий, узоқ муддатли, умумий ҳамда кимматбаҳо тошлар билан операциялар бўйича ликвидлик меъёрлари мавжуд ва барча банклар уларга амал қилиши лозим.
4. Италия	мавжуд эмас	Банклар 7 та меъёр ёрдамида назорат қилинади.
5. Буюк Британия	мавжуд эмас	Муддатлари бўйича банк актив ва пасив моддалари таҳлил этилади.
6. Испания	мавжуд эмас	Мажбурий меъёр вазифасини мажбурий захира нормаси бажаради
7. АҚШ	мавжуд эмас	Бирламчи ва иккиламчи захира меъёрлари тавсия этилади ҳамда пул оқимлари таҳлил этилади.
8. Япония	мавжуд эмас	Омонатлар жорий активларнинг 30% ини ташкил этиши тавсия этилади.
9. Белгия	мавжуд эмас	Талаб қилинувчи қарз мажбуриятлар ҳамда юкори ликвид активлар боғликлиги ўрганилади.
10. Голландия	мавжуд эмас	Қарз мажбуриятлари, уларнинг муддати бўйича гурухлаштирилган тўловлар таҳлил этилади.

Россия тижорат банкларида ликвидлик меъёрлари мавжуд чегараларда бўлиб, уларни бажариш ҳар бир банк учун мажбурийдир.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

Россия банки ҳар ойда тижорат банклари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида уларнинг ҳолати бўйича назорат ўрнатади. Мана шу иқтисодий меъёрларга риоя қилинмаса, Россия банки огохдантирувчи ёки чеклов чоралари- ИН (жарима, айрим операциялар бўйича чекловлар ёки тақиқ ўрнатиш, филиаллар очишни тақиқлаш ва бошқалар) қўллаши мумкин.

Россия тижорат банклари ликвидлилик кўрсаткичларини ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланади¹:

Лаҳзали ликвидлик коэффиценти:

$$H_2 = \frac{Л_{Ам}}{ОВ_{м}} * 100\%, (H_2 \geq 20\%).$$

Бунда: $Л_{Ам}$ -ликвид активлар; $ОВ_{м}$ -муддатсиз мажбуриятлар;

Жорий ликвидлик коэффиценти:

$$H_3 = \frac{Л_{Ат}}{ОВ_{т}} * 100\%, (H_3 \geq 50\%).$$

Бунда: $Л_{Ат}$ -30 кунгача бўлган жорий ликвид активлар; $ОВ_{т}$ -30 кунгача бўлган жорий мажбуриятлар;

Узоқ муддатли ликвидлик коэффиценти:

$$H_4 = (K_p / K + O_d) * 100\%, (H_4 \leq 120\%).$$

Бунда: K_p - банк томонидан берилган кредитлар, 1 йилдан ортиқ муддатда олиниши лозим бўлган депозитлар, кафолатли гарантиялар миқдорининг 50 фоизи (1 йилдан ортиқ муддатли); K - банкнинг ўз капитали; O_d -банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (1 йилдан ортиқ муддатли);

Умумий ликвидлик коэффиценти:

$$H_5 = \frac{Л_{Аг}}{A - P_0} * 100\%, (H_5 \geq 20\%).$$

Бунда: A -жами актив; P_0 -кредит муассасаларининг мажбурий резервлари.

Қимматли қоғозлар (металлар) билан боғлиқ операциялар бўйича ликвидлик коэффиценти:

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

$$H_{14} = (Л_{Адм} / ОВ_{Дм}) * 100\%, (H_{14} \min 10\%)$$

Бунда: Л_{Адм} – юқори ликвидли актив қимматли қоғозлар; ОВ_{Дм} – талаб қилиб олингунча қимматли қоғозлар ва муддати 30 кунгача қимматли қоғоз мажбуриятлари.

АҚШда тижорат банклари ликвидлилигини баҳолашда қуйида формулалардан фойдаланилади¹:

L₁	=	I даражали резервлар (Касса+МБ даги вакиллик ҳисобварақлари)	≥ 5-10%
		Депозитлар	

L₂	=	I даражали резервлар + II даражали резервлар (қимматли қоғозлар)	≥ 15-25%
		Депозитлар	

L₃	=	Кредитлар	60% ≤ L₃ ≤ 70%
		Умумий активлар	

L₄	=	Асосий депозитлар	≥ 75%
		Умумий депозитлар	

Лекин АҚШ банк тизими амалиётида тижорат банклари ликвидлилигига Федерал Резерв тизими томонидан мажбурий ликвидлилик меъёрлари ўрнатилмаган. Тижорат банкларига бирламчи ва иккиламчи захира меъёрлари тавсия этилади ҳамда пул оқимлари таҳлил этилади.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

2.1. ГЭП таҳлили орқали тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш амалиёти.

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра юртимизда 29 та тижорат банки фаолият олиб бормоқда. Дастлаб, сўнгги йилларда республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизими индикаторларининг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқсак.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб бермоқда, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори баҳоларга эришмоқда.

Банклар барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири - банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 65 фоиздан юқори бўлиб, белгиланган минимал даражадан 2 баробар юқоридир¹.


Бугунги кунда, етакчи халқаро рейтинг агентликлари - «Fitch Ratings», «Moody's» ва «Standard & Poor's»нинг “барқарор” рейтинг баҳосини олган тижорат банклари сони 28 тага етди. Уларнинг жами активлари суммаси мамлакат банк тизими активларининг қарийб 100 фоизини ташкил этади.

Банк тизими фаолиятига тегишли барча индикаторларнинг, хусусан “банкларнинг умумий капитали етарлилиги”, “тижорат банклари ликвидлиги”, “депозитлар ҳажмининг динамикаси”, “кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши” индикаторлари 2012 йил якуни бўйича “юқори даража”даги баҳоларга мувофиқ келди.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этади ва у халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган талаб (8 фоиз)га нисбатан


¹ www.cbu.uz – ЎзР МБнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида.

3 баробар юқори бўлиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банклар капитали 6,2 триллион сўмдан ошиб кетди (5-расм).



5-расм. Банкларнинг жами капитали динамикаси (трлн. сўмда)¹.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами активлари юқори суръатлар билан ўсиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банкларнинг ликвид активларининг ҳам ижобий ўсишига имкон беради. Банк активлари 2011 йилга нисбатан 30,2 фоиз ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 35,7 триллион сўмдан ошиб кетди (6-расм).




6-расм. Жами банк активлари динамикаси (трлн. сўмда)².

Тижорат банклари 2012 йилда ҳам устувор вазифа этиб белгиланган мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш

¹ www.cbu.uz – ЎзР МБнинг расмий веб-сайти ва йил якунлари маълумотлари асосида тайёрланди.

² www.cbu.uz – ЎзР МБнинг расмий веб-сайти ва йил якунлари маълумотлари асосида тайёрланди.

тармоқларини жадал ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширди. Натижада 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 30,5 фоиз ошди ва 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра уларнинг миқдори 20,4 триллион сўмга етди (7-расм).



7-расм. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори динамикаси (трлн. сўмда) ¹.


Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари кредит портфели умумий миқдоридаги улуши 85,8 фоизини ташкил этди. Муддати уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоиз ошди ва жами кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган фармон ва қарорларининг ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 5,3 триллион сўмни ташкил этди.

2012 йил давомида тижорат банклари ининг инвестицион фаолиятини кучайтириш ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида банкларнинг ресурс базасини ошириш борасида


¹ www.cbu.uz – ЎзР МБнинг расмий веб-сайти ва йил якунлари маълумотлари асосида тайёрланди.

изчил ишлар давом эттирилди. Натижада банкларнинг жами депозитлари миқдори 2011 йилга нисбатан 31,5 фоиз ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра уларнинг миқдори 22,8 триллион сўмдан ошди (8-расм).



8-расм. Банкларнинг жами депозитлари қолдиғи динамикаси (трлн. сўмда).

Сўнгги йилларда тижорат банклари қимматли қоғозлар бозори айланмаларида ҳам юқори улушга эга бўлиб, юртимиз қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бунинг яққол далили сифатида қуйидаги диаграммани келтириб ўтишим мумкин.



9-расм. Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича эмитентлари таркиби (%да) ¹, 01.04.2013й.


Юқоридаги диаграммада иқтисодиёт тармоқларининг қимматли қоғозлар бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларининг улуши акс этган. Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар биржа айланмасида энг юқори улуш тижорат банклари ҳиссасига

¹Банк ахборотномаси газетаси. 2013 йил 29 май, 23-сон.

тўғри келади. Банкларнинг улуши жами биржа айланмасининг 67 фоизини, агросаноат комплекси тармоқлари 17 фоизни, қурилиш 3 фоизни, саноат соҳаси 1 фоизни ва бошқа тармоқлар 12 фоизни ташкил этган.

Жумладан жорий 2013 йилнинг 1 чораги давомида эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг фонд бозорида сотилиши борасида ҳам юқори ўсиш кузатилганини кўриш мумкин. Банкларнинг қимматли қоғозлар эмиссиясида фаол иштирок этиши уларнинг узок муддатга жалб қилинган ресурслар базасини ошишига олиб келади. Бу эса банкларнинг жорий ликвидлилик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Қуйида 2013 йилнинг 1 чорагида Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозори (Республика Биржа Маркази)да қатнашган йирик эмитентларнинг энг юқори 10 талигини келтириб ўтаман (10-расм).




**10-расм. Энг катта савдо ҳажмлари бўйича эмитентларнинг
ТОП 10 талиги (млрд. сўмда) ¹, 01.04.2013й.**

Аммо бугунги кунда кўпчилик тижорат банкларида олди-сотди қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг улуши жуда паст миқдорни ташкил этади.

Ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг фонд биржаларида эркин сотиладиган қимматли

¹Банк ахборотномаси газетаси. 2013 йил 29 май, 23-сон.

қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажми юқори улушни эгаллайди. Бу усул орқали ушбу тижорат банклари нафақат юқори даромадга эришади, балки ликвидлилигини етарли даражада сақлаб туриш имкониятига эга бўлади.



11-расм. Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби (%да)¹, 01.04.2013й.


Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра қимматли қоғозлар биржа айланмасида инвесторларнинг қимматли қоғозларга қилган инвестицияларида тижорат банкларининг улуши жуда паст миқдорни ташкил этмоқда. Банкларнинг улуши жами биржа айланмасидаги инвестицияларнинг атига 5 фоизини ташкил этган. Суғурта компанияларининг улуши 6 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 54 фоизни, жисмоний шахсларнинг улуши 34 фоизни ва бошқа юридик шахсларнинг улуши 1 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ликвидлилигини таъминлашда Марказий банк сўнгги йилларда жуда катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. 2005 йил 16 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан сўнг, банклараро электрон тўлов тизимининг самарали механизми яратилди. Бу

¹Банк ахборотномаси газетаси. 2013 йил 29 май, 23-сон.

механизм банкларнинг ликвидлигини таъминлашга ва тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашда самарали ишлаб келмоқда.

Сўнгги йилларда Марказий банк томонидан банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган трансакциялари сони навбатдаги диаграммада акс этган (12-расм).




12-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган трансакциялари сони, (млн. тона)¹.

Солиштирилаётган даврда миллий тўлов тизими орқали ўтаётган тўлов ҳужжатлари сони 2,7 баробарга, тўлов ҳужжатларининг умумий суммаси эса қарийб 26 баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин².

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказий банк ушбу трансакциялар орқали банклараро тўлов тизимида 2003 йилда 28,2 триллион сўмлик банклараро тўлов ҳужжатларини амалга оширган бўлса, 2012 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 744,2 триллион сўмга етди. Буни қуйидаги диаграмма орқали тасвирлашимиз мумкин (13-расм).

¹Бозор, пул ва кредит журнали. 2013 йил, 5-сон.

²Бозор, пул ва кредит журнали. 2013 йил, 5-сон.



13-расм. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган трансакциялари суммаси, (трлн сўмда) ¹.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон тўловлар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар банклар томонидан электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имконини беради ҳамда банк миқдорларига сифатли банк хизматлари кўрсатилишини таъминлайди.

Баланс актив ва пасивларини ликвид ва ноликвид, ўзгарувчи ва барқарор тамойиллар асосида бўлиши ликвид активлар ва ўзгарувчи пасивлар ўртасидаги фарқни аниқлайди. Бу фарқ иқтисодчилар тилида ГЭП дейилади.

ГЭП концепцияси – бу “фарқ” концепцияси бўлиб, сузиб юрувчи ва фиксирланган ставкалардаги банк актив ва пасивларининг баланслашмаганлиги ёки тафовутини англатади. Банк портфел концепцияси ўрнатилган вақт оралиғида фиксирланган (ўзгарувчи) ставкалардаги пасив олдида ўзгарувчи (фиксирланган) ставкалардаги активлар ортиқчалиги (етишмаслиги) суммасини ифодалайди.

Халқаро амалиётда ГЭП-таҳлили икки хил кўринишда олиб борилади:

- Ликвидлилик ГЭП-таҳлили;

¹Бозор, пул ва кредит журнаלי. 2013 йил, 5-сон.

- Фоизли ГЭП-таҳлили.

Ликвидлили ГЭП-таҳлили орқали турли хил вақт оралиқлари бўйича банк талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги миқдор бўйича дисбаланс (мувозанатлашмаган баланс)ни аниқлаш имконига эга бўлади.

Фоизли ГЭП-таҳлили орқали фоиз ставкалар ўзгаришига банк сезгирлигини ва турли вақт оралиқларида фоиз ставкалар ўртасидаги дисбаланс тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Банк ликвидлилиги ва фоиз ставкалари рискинни самарали бошқариш мақсадида халқаро банк амалиётида мувозанатлашмаган баланс (дисбаланс)ни бошқариш стратегияси қўлланилади.

Дисбалансни бошқариш – бу фоиз келтирувчи активлар, депозитлар ва пул бозоридаги молиявий инструментлар баҳоларининг амал қилиш муддати ва ўзгариш эҳтимоли таъсирини таҳлил қилишни ўзида мужассамлаштиради.

Халқаро банк амалиётида фоиз ставкасининг тебраниши оқибатида кўрилиши мумкин бўлган молиявий зарарларнинг олдини олиш мақсадида, фоиз рискинни бошқаришда ГЭП ни бошқариш услубидан кенг фойдаланилади. Бунда фоиз ставкалари ўзгаришига сезгир активлар ва фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир пасивлар ўзаро муофиқлиги таҳлил қилинади.

Фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган активларига қуйидагилар киради: ўзгарувчан фоиз ставкалари бўйича берилган ссудалар, сўндириш муддати келаётган банк инвестициялари (федерал фондлар, пул бозоридаги активлар ва бошқалар), ўрнатилган фоиз ставкалари бўйича тўловни амалга ошириш учун тортилган ссудалар.

Фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган пасивларга қисқа муддатли заёмлар, пул бозоридаги муддати ўтиб бораётган депозит сертификатлар, ўзгарувчан фоиз ставкаларидаги мажбуриятлар.

Анъанавий таҳлил усулида фоиз рискинни ўрганишда фоиз ставкалари ўзгаришига сезгир бўлган активлар (ФСА) ва фоиз ставкалари ўзгаришига сезгир бўлган пасивлар (ФСП) солиштирилади. Солиштиришнинг

мақсади - банкнинг соф фойдасининг ўзгарувчан фоиз ставкалари натижасида ўзгаришини аниқлашдан иборат.

Фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган активлар ва пасивлар ўртасидаги миқдорнинг узилиши пуллик ГЭП (ёки банкнинг соф баҳоси) деб номланади ва у қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\text{ГЭП} = \text{ФСА} - \text{ФСП}$$

Бунда: ФСА-Фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир активлар;

ФСП-Фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир пасивлар.

$$\Delta \text{Даромад} = \text{ГЭП} * \Delta \text{Фоиз ставкаси}$$

Юқоридаги ҳисоб-китоблар натижасида қуйидаги гатижалар келиб чиқиши мумкин:

$$v \quad (+) = (+) * (+)$$

$$(-) = (+) * (-)$$

$$(-) = (-) * (+)$$

$$v \quad (+) = (-) * (-)$$

Ушбу кўрсаткич фоиз rischi даражасини баҳолаш имкониятини беради. Сузиб юрувчи фоиз кўринишидаги банк соф даромодларини ошириш, камайтириш ёки таъсир қилмаслиги мумкин. Бу портфел структурасига, фоиз ставкаларга сезувчанлигига ва ГЭП катталигига боғлиқ бўлади.

Фоиз riskини баҳоловчи бошқа кўрсаткич ГЭП муносабат ёки фоизли деб номланади:

$$\text{ГЭП} (\%) = (\text{ФСА} / \text{ФСП}) \times 100\%$$

Юқоридаги формула орқали, ГЭП таҳлилининг фоиздаги миқдорининг ўзгаришига қараб, фоиз riskини баҳолаш ва уни жиловлаш бўйича тегишли чоралар кўриш мумкин.

ГЭПни бошқариш банк фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир активлар ва пасивлар даражасини, фоиз ставкалари ўзгариш циклларида фоиз маржасини максималлаштиришни қандай режалаштиришни аниқлаш мумкин.

ГЭП таҳлилининг асосий агрегатларини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал.

ГЭПнинг асосий агрегатлари¹:

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш	Эслатма
Пулли ГЭП	ФСА – ФСП	ФСА – Фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир активлар ФСП – Фоиз ставкалар ўзгаришлар сезгир пасивлар
Фоизли ГЭП (ГЭП сезувчанлиги)	ФСА: ФСП	ФСА = Қисқа муддатли кредитлар + Узоқ муддатли ссудалар + Факторинг + Давлат қимматли қоғозлари + Бошқа (нодавлат) қимматбаҳо қоғозлар + Банклараро кредитлар. ФСП = Депозитлар + Қарзли мажбуриятлар + Қимматли қоғозлар

ГЭП-таҳлилида уч хил ҳолат кузатилиши мумкин:

ГЭП < 0 Манфий ГЭП,

ГЭП > 0 Мусбат ГЭП,

ГЭП = 0 Нолли ГЭП.

Ушбу ҳолатларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз:

1. Манфий ГЭП шуни англатадики, фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган активларига нисбатан фоиз ставкалар ўзгаришига сезгир пасивлар кўпроқлигини англатади. Агарда қандайдир вақт оралиғида фоиз ставкалари ошадиган бўлса банк барча қайта баҳоланадиган активларга бўйича олинадиган даромадларга қараганда барча қайта баҳоланадиган пасивларга кўпроқ тўлаб беради.

¹ Бувеч И,А “Экономический анализ банка” Москва.2005

Агар фоиз ставкаларининг ўзгариши кўзда тутилган йуналиш ва масштабда кетса, фоизлар кўринишидаги соф даромаднинг хакикий ўзгариши кутилганига мос келади.

Қуйидаги расмда банк ликвидлилигининг “мусбат ГЭП” га эга эканлигини, яъни ликвид активлар ўзгарувчи пассивлардан кўплиги кўриниб турибди. Бу масалаларни янада аниқлаштирадиган бўлсак, банк актив ва пассивлари бўйича фоиз ставкаси ўзгариш сезгирлиги ўртасидаги фарқ тушунилади. Фоиз ставкаси ўзгариш сезгирлигига эга ликвидли активлар ва ўзгарувчи пассивларни аниқлашда уларнинг мос келадиган вақтини ўрганиш керак. Бу вақт иқтисодий аҳволга қараб 7 кундан 3-6 ойгача, ҳатто йиллар интервалида ўрганилади.

АКТИВЛАР		ПАССИВЛАР	
ЛИКВИДЛИ	“Мусбат ГЭП”	ЎЗГАРУВЧИ	БАРҚАРОР
НОЛИКВИД			

14- расм. Банк балансининг ликвидлилик модели-“Мусбат ГЭП”¹.

Кўп банклар депозитларни ресурс базасининг барқарор қисми сифатида кўришади. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар, банкнинг бирор салбий ўзгаришлар натижасида ёки рейтинги пасайса банкни тарк эта бошлайди. Бу эса депозитларнинг барқарор ва ўзгарувчан қисмларини баҳолаш кераклигини билдиради. Лекин бунда юридик шахсларни ҳам назарда тутиб ҳаракат қилиш керак, яъни уларнинг банк билан алоқаларини мустаҳкамламоқ лозим. Тижорат банклари фаолияти давомида бошқа ҳолатни ҳам кузатиш мумкин, бунда банк баланси ноликвид ва ГЭП манфий катталиikka эга бўлади, бу эса 15-расмда келтирилган.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

АКТИВЛАР**ПАССИВЛАР**

ЛИКВИД	“Манфий ГЭП”	ЎЗГАРУВЧИ
НОЛИКВИД		БАРҚАРОР

15- расм. Банк балансининг ликвидлилик модели-“Манфий ГЭП”¹.

Манфий ГЭПда эса банклар фоиз ставкаси ўзгариши сезгирлигига эга мавжуд ликвидли активлари ҳисобига унинг ўзгарувчи мажбуриятларини қоплаш эҳтимоли йўқ бўлади. Бундай ҳолатлар банклар учун жиддий муаммолар туғдириши табиийдир.


Демак, банклар баланси ликвидлилигини юқоридаги мусбат ва манфий ГЭП билан биргаликда ликвидли ва ўзгарувчи мажбуриятлари суммаси ва муддати тенг бўлган ҳамда “банкнинг олтин қондаси” сифатида эътироф этиладиган ҳолат банкларда кузатилади. Бу каби банкларда ҳеч қандай ликвидлилик муаммоси бўлмайди ва бу ҳолат ҳар доим ҳам кузатилмайди. Шунинг учун тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар билан биргаликда банкларнинг мустақил ўзларининг ликвидлилик позициясини ҳисоблашлари, айнан актив ва пассивлар таркиби ва муддатлари мос келишини таҳлил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

2.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини бошқариш амалиёти.

Ликвид маблағлар даражасини баҳолашда аввало банк активларининг молиявий бозордаги ҳолати ўрганилиши лозим бўлади. Ҳеч қайси банк ресурслар бозоридаги рақобат текширувларидан ўтмасдан туриб, юқори ликвид маблағларга эга бўлавермайди. Шунинг учун банк раҳбарияти ликвидлик стратегиясини белгилаб олиши ва уни доимий равишда назорат қилиб бориши лозим.

Тижорат банкларининг ликвидлик даражасини баҳолаш учун унинг асосий кўрсаткичлари бўйича таҳлил амалга оширилади. Тижорат банклари ликвидлик таҳлилининг асосий босқичлари навбатдаги чизмада акс этган (16-расм).



16-расм.Тижорат банки ликвидлик таҳлилининг асосий босқичлари¹.

Тижорат банклари ликвидликни оширишда аввало баланснинг актив қисмида банк ликвидлигини бошқариш учун сотилиши осон бўлган юқори ликвидли активларни, масалан ДҚМО ни харид қилиш ёки уларга эгалик

¹Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. Тошкент-2010й.

қилиш ёхуд захираларни кўпроқ ташкил қилиш ва сотилиши қийинчилик туғдирмайдиган пул маблағларига айлантириш кўп вақтни олмайдиган қисқа муддатли қўйилмаларни амалга ошириш йўли билан эришишлари мумкин.

Банкларнинг ликвидлилигини оширишда аввало жорий ликвидлик ҳолати баҳоланади, сўнгра ресурсларга бўлган талабнинг даврий ўзгариб туриши, ресурсларга бўлган талабларнинг мўлжалланаётган ўзгаришлари, зарур ресурслар манбалари ўрганиб чиқилади. Бундан ташқари, раҳбарият банклараро бозорда активларни сотиш ва харид қилишни ёки бошқа манбаларни танлаши лозим, бунда албатта жалб этилаётган ресурслар таннархи ва сифатига аҳамият бериш ўринли. Чунки, банк активларининг сифати ҳам банк ликвидлилигига таъсир кўрсатади. Банкда муаммоли кредитлар, муддати ўтган, фойда келтирмайдиган кредитлар салмоғининг юқорилиги, пул маблағлари ҳаракатининг камлиги банк ликвидлигининг тушиб кетишига олиб келиши мумкин, шу туфайли банк фаолиятининг барқарор ва ликвид бўлиши унинг ресурсларининг манбалари ва ҳажмига, ресурсларни ташкил қилишда диверсификация усулидан фойдаланганлигига ҳам боғлиқ. Агар, тижорат банки маблағларининг асосий қисмини санокли ихтисослашган ёки йирик объектлар маблағлари ёки давлатнинг маблағлари ҳисобидан ташкил қиладиган бўлса, банкнинг шу субъектлар депозитларига қарамлигини кўрсатади ва субъектлар томонидан турли хил бюджет тўловларини амалга ошириш, иш ҳақи тўлаш бўйича депозитдан маблағлар олиши банкнинг ликвидлилик rischi шунча юқори бўлишига олиб келади.


Ундан ташқари, банк ликвидлилиги банкнинг капитали ва даромадлилигини ҳисобга олган ҳолда банкнинг умумий молиявий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Банкнинг молиявий ҳолати ёмон бўлса, талаб қилинаётган ресурсларни юқори нархда олиши ёки банклараро кредит ресурслари бозорига кира олмаслиги мумкин. Бу эса ўз навбатида

банк ресурсларининг етишмаслигига олиб келади ва банк баланси ноликвид ҳолатга келиб қолиши мумкин.

Тижорат банкининг ликвидлилик даражасини таҳлил қилиш учун юртимизда узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган “Алоқабанк” очик акциядорлик тижорат банкининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдим.

ОАТ “Алоқабанк”нинг активлар ва пасивларни бошқариш сиёсатининг асосий мақсадлари хатарларни бошқариш ва назорат қилиш усуллари ёрдамида банкнинг стратегик мақсадларига эришиш, баланс ликвидлигини зарур даражада сақлаб туриш, банк активларини бир текисда ўсиб боришини таъминлаш ва банк фойдасини максималлаштиришдан иборатдир.

2012 йил давомида банкнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, банк устав капитали 74,7 млрд. сўмга етган ва умумий капитал кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 132,1 фоизга ошиб, 105,3 миллиард сўмни ташкил этган(17-расм).




17-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг хусусий капитали динамикаси (%; млрд. сўмда) ¹.

Банк устав капитали ҳажмининг охириги 5 йил мобайнида мунтазам ўсиб бораётганлиги банк акциядорлари томонидан банк фаолиятини

¹ www.aloqabank.uz – ОАТ “Алоқабанк”нинг расмий веб-сайти ва 2012 йил учун йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланди.


кенгайтириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигидан далолат беради.

Сўнгги 5 йил мобайнида ушбу банкнинг активлари миқдори юқори суръатлар билан ўсган. 2012 йилда банкнинг жами активлари 2011 йилга нисбатан 128,9 фоизга ўсган ва 629,0 миллиард сўмни ташкил этган.



18-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг активлари динамикаси (%; млрд.сўм).

2012 йилнинг якуни бўйича банк активларининг 80,2 фоизи даромад келтирувчи активлар ҳиссасига тўғри келди. Даромад келтирувчи активлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 107,2 миллиард сўм ёки 126,5 фоизга ошганлиги ўз навбатида банкнинг даромадлилиқ кўрсаткичлари ўсишига ижобий таъсир кўрсатган (19-расм).




19-расм. ОАТ “Алоқабанк” активларининг таркибий тузилиши (%да; млрд.сўмда)¹, 01.01.2013й.

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2012 йил учун йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг активларининг асосий қисми кредит ва инвестиция қўйилмалари ҳиссасига тўғри келади. 2013 йил 1 январ ҳолатига банкнинг кредит портфели 406,2 миллиард сўмга тенг бўлган. Бундан ташқари юқори ликвидли активлар ҳисобланган кассадаги нақд пуллар ва Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағларнинг ҳам юқори даражада эканлиги банкнинг ликвидлилигини ва барқарор равишда фаолият юритишини таъминлайди.

Таҳлил қилаётган банкимизнинг депозит операцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, банкнинг жами депозитлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 107,2 фоизга ўсиб, 2013 йил 1 январ ҳолатига 303 591,7 миллион сўмга тенг бўлган. Бунда мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари 123 545,1 миллион сўмни, жамғарма депозитлар 47 619,9 миллион сўмни ва муддатли депозитлар 132 426,7 миллион сўмни ташкил этади (20-расм).




20-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг жами депозитлари таркиби (млн.сўмда)¹, 01.01.2013й.

Банк депозитлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар жами депозитларнинг 41 фоизини,

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг Йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

жамғарма депозитлари 16 фоизини, муддатли депозитлар эса 43 фоизини ташкил этмоқда. Умуман олганда банкнинг депозитлари таркиби талаб даражасида. Аммо ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибасига назар ташласак, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларнинг жами депозитлар таркибидаги улуши 30 фоиздан юқори бўлмаслиги талаб қилинади (21-рasm).



**21-рasm. ОАТ “Алоқабанк”нинг жами депозитлари таркиби
(млн.сўмда)¹, 01.01.2013й.**

Активлар ва мажбуриятларни қайтариш муддатларининг мос келмаслиги ликвидлик хатарининг асосий манбаи ҳисобланади. Ликвидликни самарали бошқариш деганда, банклар бу номутоносибликларни англаган ҳолда мавжуд хатарни камайитириш учун етарли чораларни кўриш йўли билан ликвидлилик позициясини мустаҳкамлашни тушуниши керак. Банкнинг ликвидлилик позицияси биринчи навбатда унинг ресурслар базаси барқарорлигига боғлиқ.

Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини таҳлил қилиш учун “Алоқабанк” очик акциядорлик тижорат банкининг 2012 йил 31 декабр ҳолатига баланс кўрсаткичларига назар ташлайлик (4-5-жадваллар).

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг Йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

4-5-жадваллар маълумотларидан келиб чиқиб, таҳлил қилаётган банкимизнинг ликвидлилик меъёрларини 6-жадвалда акс эттираман.

6-жадвал.

**ОАТ “Алоқабанк”нинг ликвидлилик даражаси таҳлили
31.12.2012 йил ҳолатига¹.**

№	Ликвидлилик таҳлили	Млн сўмда
	1-қисм. Жорий ликвид активлар (муддати 30 кунгача):	
1	Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари	13 326,9
2	Марказий Банкдан олинadиган маблағлар	94 462,6
3	Бошқа банклардан олинadиган маблағлар	26 278,2
4	Олди-сотди ҳисобварақлари – Соф ва фоизлари билан:	0,3
5	Мижозларнинг аккредитив ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган тратта мажбуриятлари	10 975,5
6	(+) 30 кун ичида сўндириладиган активлар (кредитлр ва ҳисобланган фоизлар)	28 749,4
7	(+) 30 кун ичида инвестициялардан келадиган маблағлар	2 225,8
8	(+) Бошқа активлар	11 165,0
9	Жами жорий ликвид активлар:	187 183,7
	2-қисм. Ликвидлилик коэффицентлари:	Фоизда
1	Жорий ликвидлилик коэффиценти:	min 30%
	Муддатсиз ва муддати 30 кунгача активлар / муддатсиз ва муддати 30 кунгача мажбуриятлар	63,8%
2	Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти:	min 25%
	Муддатсиз ликвид активлар / муддатсиз жорий мажбуриятлар	40,1%
3	Қисқа муддатли ликвидлилик коэффиценти:	max 100%
	Муддати 30 кундан 1 йилгача активлар / муддати 30 кундан 1 йилгача мажбуриятлар	84,1%
	3-қисм. Бошқа ликвидлилик кўрсаткичлари:	Фоизда
1	Ликвид активлар / Жами активлар	6,5%
2	Доимий бўлмаган мажбуриятлар / жами активлар	19,6%
3	Ликвид активлар / доимий бўлмаган мажбуриятлар	33,5%
4	Кредитлар / депозитлар	133,0%

6-жадвалдаги таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган тижорат банкининг жорий, лаҳзали ва қисқа муддатли ликвидлилик коэффицентлари ўрнатилган ликвидлилик меъёрларидан анча

¹ Талаба томонидан юқоридаги жадваллар асосида тайёрланди.

юқори бўлиб, банкнинг барча ликвидлилик кўрсаткичлари талаб даражасида эканлигидан ва ушбу банк барқарор равишда фаолият юритаётганидан далолат беради. Жумладан ҳисобот санасида банкнинг жорий ликвидлилик коэффиенти 63,8 фоизни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида Марказий банк томонидан тижорат банклари жорий ликвидлигига ўрнатилган мажбурий меъёр даражасидан 2 баробар юқоридир.

Банкнинг лаҳзали ликвидлилик коэффиенти эса ҳисобот санасида 40,1 фоизни ташкил этган. Демак, ушбу тижорат банки белгиланган муддат ичида ортиқча ликвид маблағларига эга бўлиб, банк активларининг ликвид қисми банкнинг энг нобарқарор ресурсларини қоплашга етарлидир.

Ҳисобот санасида банкнинг қисқа муддатли ликвидлилик даражаси 84,1 фоизни ташкил этган. Бу эса банкнинг узоқ муддатли кредитлаш ва инвестициялар ҳажмининг юқорилигидан ҳамда депозит ва нодепозит операциялари орқали узоқ муддатга жалб қилинган ресурсларнинг етарли даражада эканлигидан далолат беради. Лекин миқдорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳисобрақамларидаги маблағлари банкнинг жами депозитлари таркибида юқори улушга эга бўлиб, бу ўз навбатида банкда трансформация рискининг вужудга келишига олиб келади.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, банкнинг барча ликвидлилик кўрсаткичларининг меъёр даражасидан анча юқори бўлиши банк даромадлилигига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар банк нобарқарор депозитлар миқдорини камайтирса, мавжуд ресурсларни даромад келтирувчи активларга йўналтириш имконияти пайдо бўлади.

Умумий олганда, тижорат банкининг ликвидлилик даражалари барқарор ҳолатдадир.

2.3. Тижорат банклари ликвидлиги ва даромадлилигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигининг яна бир компоненти банк фаолиятининг даромадлилигидир.

Банк фойдасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, агар ишлаб чиқариш соҳасида харажатлар ўзгарувчан капитал ва қисман қўшимча қиймат ҳисобидан қопланса, банкларда эса муомала харажатлари тўла, фақатгина қўшимча қиймат қисмидан қопланади.

Фойда олиш - банк фаолияти кўламини кенгайтириш манбаларидан биридир. Агар банк ишида капиталга даромад бошқа тижорат ташкилотларига нисбатан паст бўлса, капитал қўллаш фойдалироқ бўлган бошқа соҳаларга йўналтирилади.

Бундан ташқари, фойда раҳбарият фаолиятини рағбатлантиради, чунки улар операциялар ҳажмини ошириш ва такомиллаштириш, харажатларни камайтириш ва хизматлар сифатини оширганликлари учун фойданинг бир қисмини мукофот шаклида олишлари мумкин.

Банк фойдасининг энг муҳим функцияларидан бири кўзда тутилмаган йўқотишлар ҳолати учун заҳиралар шакллантиришдир.

Тижорат банкининг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиш банкни банкротликка олиб бориши мумкин.

Банклар муомала соҳаси корхонаси сифатида ўз фойдасини банк операцияларининг натижаси бўлган банк маҳсулотини сотиш асосида шакллантиради. Банк фаолиятининг фойдалилик даражаси банк фаолияти характери, ихтисослашуви, унинг капиталининг катталиги, структураси ва филиалларининг мавжудлиги ҳамда мустақиллик даражасига боғлиқ.

Банк фаолиятининг фойдалилиги рентабелликнинг муҳим кўрсаткичлари мажмуи билан аниқланади. Бу кўрсаткичларга: капиталга фойда меъёри, ялпи активларнинг даромадлилиги ва фойдалилиги, соф фоиз маржа, фоизсиз юк, активлар тизими ва “ишловчи” активлар салмоғи, пасивлар тизими ва тўпланадиган пасивлар салмоғи, ишловчи активларнинг даромадлилиги, фоизли ташланма киради.

Ички таҳлил нуқтаи-назаридан фаолиятнинг молиявий ишончилиги ва рентабеллик таҳлили жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон иқтисодиётида мавжуд бўлиб турган маълум даражадаги инфляция шароитида фойдалилик таҳлилининг долзарблиги янада ошади.

Тижорат банклари фойдасининг камайишига сабаб бўлувчи омилларга қуйидагилар киради:

- баланснинг ноликвидлиги, бунда ликвидлик камомадини тўлдириш учун қўшимча кредит ресурсларини жалб қилиш зарурати туғилади;
- депозитларнинг барқарор эмаслиги;
- инфляциянинг ўсиши ва бу орқали тартибга солувчи талаблар жумладан, юқори мажбурий заҳиралар талаби таъсири остида бўлган фоиз маржасининг пастлиги;
- даромад келтирувчи активларнинг ноқулай структураси, жумладан, кам даромад келтирувчи кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, фоизсиз ссудалар салмоғининг юқорилиги ва тўловли пасивлар. Масалан, ресурслар таркибида баҳоси юқорироқ бўлган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар салмоғининг юқорилиги;
- фоизсиз даромадлар ва фоизсиз харажатларнинг салбий нисбати;
- маъмурий-хўжалик харажатларининг мақсадга мувофиқ бўлмаган юқори даражаси;
- кредит портфелида муддати ўтган кредитлар салмоғининг юқорилиги ва берилган кредитларнинг фойдаланиш ҳамда қайтарилиш муддатларини узайтириш билан боғлиқ йўқотишлар;
- қимматбаҳо қоғозлар қийматининг тушиши; солиқлар даражасининг юқорилиги;
- мувозанатлаштирилмаган фоиз сиёсати;
- ҳажми ва миқдори жиҳатидан ўз капитали миқдорини чегараловчи асосланмаган юқори даражада хатарли бўлган банк фаолиятини юритиш киради.

Бу мақсадларда тижорат банклари доимо ўз капиталини ошириб бориши бошқа корхоналар ва ташкилотлардан жалб этилган маблағ ва ўз маблағлари ўртасидан оптимал нисбатни таъминлаши, банкнинг оборотида бўлган узоқ муддатли «ишончли» ва «арзон» кредит ресурсларини шакллантиришга интилиши керак. Тижорат банклари Кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқиши, кредит ресурсларини фойда келтирадиган соҳаларга қўйиши, ресурсларини жалб этишда кредит қўйилмалар ҳажми ва уларни муддатига этибор бериш, ликвид активларнинг ҳажмини ошириш билан банк активларининг оптимал структурани шакллантиришига эришиш лозим. Шунингдек ҳиссадорларнинг қонуний талабларини бажаришга тайёр бўлиши учун шу маблағларнинг керагидан ортиқча харажат қилишига йўл қўймаслиги орқали, банкнинг даромад ва фойдасини оширишига интилиш зарур.

Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар.

Тижорат банкларининг даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак, банк даромадлар қуйидаги 2 та йирик гуруҳга ажратилиб таснифланади:



22-расм. Тижорат банклари даромадаларининг таснифи¹.

Ҳар бир тижорат банклари ўз фаолиятларини олиб боришдан мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Бу даромадларни кўпайтириш йўллари тижорат банклари ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Фоизли даромадлар олдиндан шартнома асосида белгиланган фоиз ставка бўйича ҳисобланади. Булардан асосийлари кредит бўлиб банклар ўз капиталини тезроқ кўпайтириш мақсадида, жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш ва улардан фойдалганда кўпроқ фойда олиш учун, қисқа муддатли кредитга кўпроқ маблағ йўналтиради. Чунки бу қисқа муддатли кредит жуда оз фурсатда яна банкка қайтиб у бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам банк даромадига келиб тушади.

Тижорат банкининг даромадлари манбалари ичида активлари асосий ўринни эгаллайди. Даромад келтиришига қараб банк активлари: даромад келтирувчи активлар ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга қуйидагилар киради:

- а) барча берилган кредитлар жумладан, банклараро кредитлар;
- б) ўз инвестициялари;
- в) хазина векселлари;
- г) давлат облигациялари;
- д) қимматли қоғозлар.

Даромад келтирмайдиган активларга эса:

- а) пул активлари гуруҳи;
- б) асосий воситалар;
- в) капитал харажатлар;

¹ Ё. Абдуллаев, Т.Қоралиев ва б. «Банк иши» Т.: «Iqtisod-Moliya», 2010 йил.

г) барча моддий активлар ва бошқа активлар;

д) номоддий активлар киради.

Банк тизими барқарорлиги асосан банкларнинг умум эътироф этилган самарадорлик кўрсаткичлари билан белгиланади. Мазкур кўрсаткичларнинг талаб даражасида бўлиши банкларнинг даромадлилигини таъминлаш билан бирга уларнинг молиявий барқарорлигини ҳам таъминлайди.

Тижорат банклари активларининг даромадлилигини тавсифлаш учун куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. **Активларнинг ўртача рентабеллиги** - фойданинг ўртача тортилган активларга нисбати орқали аниқланади – **(ROA)**.

ROA	=	Соф фойда	$\geq 0,5-1,0\%$
		Жами активлар	

2. **Банк капиталнинг ўртача рентабеллиги** - фойданинг ўртача тортилган хусусий капиталга нисбати орқали аниқланади – **(ROE)**.

ROE	=	Соф фойда	$\geq 10,0\%$
		Хусусий капитал	

3. **Соф фоизли спрэд коэффиценти** – олинган фоизли даромадларнинг кредит портфелига нисбатининг фоиздаги ифодасидан тўланган фоизли харажатларнинг фоиз тўланадиган депозитлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодасини айириш орқали аниқланади - **(СФСК)**.

СФСК =	Олинган фоизли даромадлар x 100 %	-	Тўланган фоизли харажатлар x 100 %
	Кредит портфели		Фоиз тўланадиган депозитлар суммаси

Ушбу коэффициент фоиз келтирадиган активлар билан фоиз тўланидиган пасивлар ўртасидаги нисбатнинг ҳақиқатдаги даражасини кўрсатади. Жаҳон банки экспертларининг тавсиясига кўра тижорат банкининг капитали, трансакцион депозитлар ва фойда ҳисобидан ташкил қилинган заҳиралар мазкур коэффициентни ҳисоблашда қўлланилмаслиги лозим. Соф фоизли спрэд коэффициентнинг норматив даражаси жаҳон банкининг экспертлари томонидан 1,25 фоиз қилиб белгиланган.

4. Соф операцион маржа коэффициенти (СОМК)

Бу коэффициент қуйидагича ҳисобланади.

СОМК =	ДКА + ХБОТ x 100 %	-	ФХ x 100 %
	ЖМА		ЖММ

Бу ерда:

ДКА – даромад келтирадиган активлар;

ХБОТ – хизмат бўйича олинган тўловлар;

ЖМА – жами молиявий активлар;

ЖММ – жами молиявий мажбуриятлар;

ФХ – фоизсиз харажатлар.

Юқоридаги формулалардан фойдаланиб, тижорат банкларининг даромадлилик ва рентабеллик даражаларини аниқлаш мумкин.

3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ

қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Биргина тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш ва ликвидлилигини таъминлаш борасида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

- Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш;

- банк назорати тизимига, капитал етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель қўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш;

- 2011-2015 йиллар мобайнида тижорат банкларининг ялпи капиталини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан ўртача 2,1 марта кўпайтириш;

- банк тизими устав капитали таркибида нодавлат сектори улушини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 мартага ошириш;

- 2011-2015 йилларда тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини кредитлаш ҳажмини 2,8 мартага ошириш;

- 2011-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини 2,7 баробарга кенгайтириш;

- банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технология ва услубларини янгича ёндошувларини шакллантириш ва жорий этиш, молия-банк ахборотлари сифат даражасини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш;

- етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган ва алоҳида банклар ва бутун банк тизимининг бутун жаҳонда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг янада юқори даражасига чиқиш йўлидаги илгарилашларини холисона баҳолаш имкониятини берувчи халқаро меъёр, мезон ва андозалар асосида тижорат банклари фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш;

- ҳар чоракда банк Кенгаши йиғилишларида банк Бошқарув раиси ва аъзолари, Ички аудит бўлими раҳбарларининг банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капиталини ўсишини таъминлаш, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдига қўйилган бошқа устувор вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш ва бошқалар.

Банк назорати бўйича Базель Қўмитаси томонидан янгидан қабул қилинган Базель III тавсияларига мувофиқ тижорат банкларининг капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, тижорат банклари таркибида уларнинг инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган

барқарорлаштириш захираларини яратиш ҳамда барқарор равишда банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида 2012 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг халқаро экспертлари билан биргаликда банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Натижада 2012 йил 29 декабрда Марказий банк Бошқарувининг “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 36/1-сонли Қарори¹ қабул қилинди. Мазкур Низомга банк назорати бўйича Базель Қўмитасининг янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич амал қила бошлайди.

Ушбу Қарорга асосан тижорат банклари ликвидлигига нисбатан қуйидаги янги талаблар белигаланеди:

1. Жорий ликвидлик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб:

К_{жл}	=	Юқори ликвид активлар	≥ 100%
		Муддатсиз ва муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар	

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, банкнинг юқори ликвидли активларининг муддатсиз ва муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларига нисбати **100 фоиздан кам бўлмаслиги** лозим.

2. Соф барқарор молиялаштириш коэффиценти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб:

К_{сбм}	=	Мавжуд барқарор молиялаштириш манбалари	≥ 100%
------------------------	----------	--	---------------

¹ www.cbu.uz – ЎзР МБ нинг расмий веб-сайтидан.

		Талаб қилинадиган барқарор молиялаштириш маблағлари	
--	--	--	--

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, банкнинг мавжуд барқарор молиялаштириш манбаларининг талаб қилинадиган барқарор молиялаштириш маблағларига нисбати **100 фоиздан** кам бўлмаслиги лозим.

Бунда, мавжуд барқарор молиялаштириш манбалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банк капиталининг умумий суммаси;
- 365 кун ва ундан юқори муддатда қайтарилиши лозим бўлган банкнинг мавжуд мажбуриятлари;
- қайтариш муддати мавжуд бўлмаган ва/ёки қайтариш муддати 365 кундан кам бўлган бошқа депозитлар ҳамда қарз маблағлар суммасининг 30 фоизини ўз ичига олади.

Бунда, талаб қилинадиган барқарор молиялаштириш маблағлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қайтарилиш муддати 365 кун ва ундан юқори муддатли бўлган банкнинг жами активлари;
- суд жараёнида кўриб чиқиладиган ва/ёки ўрнатилган тартибда суд ажрими чиқарилмаган активлар суммаси;
- қайтарилиш муддати 365 кундан кам бўлган бошқа активлар суммасининг 30 фоизини ўз ичига олади (юқори ликвидли активлар бундан мустасно).

Бундан ташқари, 2012 йил 29 декабрда Марказий банк Бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 36/2-сонли Қарори¹ қабул қилинди. Ушбу Низомга ҳам банк

¹ www.cbu.uz – ЎзР МБ нинг расмий веб-сайтидан.

назорати бўйича Базель Қўмитасининг янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси банк тизимида жорий этилиб борилади.

Хусусан, янги тартибга асосан банк баланси активларининг таваккалчилик даражаси беш гуруҳга бўлиниб, 0-, 20-, 50-, 100-, ва 150-фоизлик таваккалчилик коэффицентлари жорий қилинди. Яъни, суд жараёнидаги ва белгиланган тартибда ундирилмаган активларга 150 фоизли таваккалчилик даражаси қўлланилади.

Янги талабларга асосан, 2015 йил 1 январдан бошлаб банк капитали етарлилигининг энг кам даражаси банкнинг кредит таваккалчилиги суммаси билан бирга банкнинг операцион ва бозор таваккалчиликларини ҳам ҳисобга олади.

Операцион (ОТ) ва бозор (БТ) таваккалчилиги суммалари қуйидагича аниқланади:

а) $ОТ = 10 \times X$ (банкнинг охириги уч йиллик ялпи даромади суммасининг ўртачаси X 15 фоиз);

б) $БТ = 10 \times X$ (очиқ валюта позициясини йиғма миқдори X 10 фоиз).

Бунда, Ялпи даромад = фоизли даромадлар – фоизли харажатлар + бошқа даромадлар.

2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти (K1)нинг энг кам даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида ўрнатилади.

Капитал етарлиги коэффиценти	=	Регулятив капитал	≥11,5%
		Рискка тортилган активлар	

Шу билан бирга, биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти 2016 йил 1 январдан бошлаб K2 нинг энг кам даражаси 0,075 (7,5 фоиз) миқдорида ўрнатилади.

1-даражали капитал	=	1-даражали капитал	≥7,5%
---------------------------	----------	---------------------------	--------------

етарлилиги коэффициенти		Рискка тортилган активлар (кредит rischi + бозор rischi + операцион риск)	
------------------------------------	--	--	--

Тижорат банклари 2019 йил 1 январдан бошлаб эса К1 нинг энг кам даражаси таваккалчиликка тортилган активларнинг 3 фоизи миқдоридаги консервацияланган капитал буферини ҳисобга олган ҳолда 0,145 (14,5) фоиз миқдорида таъминлашлари лозим.

Капитал етарлилиги коэффициенти	=	Регулятив капитал	≥14,5%
		Рискка тортилган активлари (кредит rischi + операцион риск + бозор rischi)	

Консервацияланган капитал буфери таваккалчиликка тортилган активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захира ҳисобланади. Ушбу захирани ташкил этишдан мақсад, банклар молиявий ва иқтисодий танглик даврида йўқотишларни амортизациялаш учун фойдаланиладиган захира капитали мавжудлигининг кафолатидир.

Ушбу янги ўзгаришларнинг киритилиши, албатта, банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар асосида такомиллашишига олиб келади. Лекин масалага бошқа томондан ҳам қараш лозим. Рискка тортилган активларни ҳисоблашда янги рискларнинг қўшилиши банк капитали етарлилиги кўрсаткичининг кескин тушиб кетишиша олиб келади. Чунки операцион рискка тортилган активлар миқдори кўпчилик тижорат банкларида катта суммани ташкил этиши мумкин.

АҚШнинг Молиявий Муассасалар Устидан Назорат Бўйича Федерал Кенгаши (Federal Financial Institutions Examination Council - FFIEC) томонидан ишлаб чиқилган ва 1979-йил 13-ноябрда расман киритилган, инглиз тилидаги “Capital adequacy”, “Assets quality”, “Management”, “Earnings”, “Liquidity” - (капитал, активлар сифати, бошқарув, даромад ва

ликвидлилик) сўзларининг бош ҳарфлари билан номланувчи CAMEL – банк фаолиятига рейтинг баҳолари бериш бўйича янги агентликлараро тизим жорий қилинди. 1997-йил 1-январдан бошлаб бу рейтинг тизими CAMELS деб номлана бошлади. Яъни “S – Sensitivity to risks” – рискларга таъсирчанлик даражаси ҳам баҳоланадиган бўлди.

CAMELS усулини қўллашда тижорат банклари расмий жиҳатдан 2 хил кўринишдаги: 5 балли шкала бўйича алоҳида меъзонлар $q_1=C$, $q_2=A$, $q_3=M$, $q_4=E$, $q_5=L$, $q_6=S$ асосида шаклланадиган 6 меъзонли баҳолаш $q=(q_1...q_6)$ ва 5 балли йиғма (интеграл) $Q= \text{CAMELS}$ баҳолашга эга бўлади. CAMELS усулида, тижорат банклари фаолиятини кўп меъзонли баҳолашда энг яхши кўрсаткич $q=(1,1,1,1,1,1)$, яъни $Q=1\text{ball}$, энг паст салбий кўрсаткич эса $q=(5,5,5,5,5,5)$, яъни $Q=5\text{ball}$ билан баҳоланган ҳисобланади.

CAMELS тизими бўйича банк ликвидлилигини баҳолаш рейтинги унинг кўрсаткичлари учун меъзон даражаларини белгиламайди, ликвидликни 5 балли баҳолаш жараёни тўлиқ, аниқ шароитлар асосида юзага келувчи хулосаларга асосланади. Бунда рейтинг баҳолари қуйидаги шкалаларда бўлади: «mustahkam» (strong), «qoniqarli» (satisfactory), «o'rtacha» (fair), «tanqidiy» (marginal) ва «qoniqarsiz» (unsatisfactory).

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳам ушбу чоратадбирларининг босқичма-босқич татбиқ этилиши Республикамиз тижорат банклари томонидан Базель кўмитасининг янги талабларини тўлиқ бажарилишига, капитал етарлилиги кўрсаткичининг кескин равишда пасайиб кетмаслигига ва банкларнинг жорий ликвидлилик меъёрларини барқарор равишда таъминлашига имкон беради.

ХУЛОСА

Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш, уни талаб даражасида ошириш, ва шу билан биргаликда, кутилаётган даромадга эга бўлиш кучли ликвидлилик стратегиясини талаб этади, яъни тижорат банки бир вақтнинг

Ўзида ликвидликка эришган ҳолда максимал даромад олишнинг самарали позициясига эга бўлиши лозим.

Банк раҳбарияти ликвидликни режалаштириши ҳамда банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларини уларни қайтариб олишда тўлашга етарли даражада нақд пул ва қисқа муддатли активларга эга бўлиши лозим.

Етарли ликвидликнинг таъминланиш зарурияти сабабли тижорат банки фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши лозим ҳамда банки ҳеч қачон даромадлиликни ошириш эвазига ликвидлиликни суистеъмол қилмаслиги лозим.

Битирув малакавий ишим давомида фойдаланилган назарий маълумотлар ва таҳлил қилинган амалий маълумотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтишим мумкин:

1. Тижорат банклари талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳажмини камайтиришга ва муддатли депозитлар ҳажмини оширишга жиддий эътибор қаратишлари лозим. Тўғри бугунги кунда банклар учун энг арзон ресурс бу мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларидаги маблағлардир. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар хатто капитал ресурсларидан ҳам арзон, шу билан бирга трансформация rischi энг юқори бўлган ресурс ҳисобланади.

Шунинг учун тижорат банклари жорий ликвидлилик коэффицентини 2015 йил 1 январдан бошлаб 100 фоиз таъминлашлари лозимлигини ҳисобга олиб, 2013-2014-молиявий йиллар давомида тижорат банклари мижозларига талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларидаги маблағларини муддатли депозитларга жойлаштиришини таклиф қилишлари лозим.

2. Бугунги кунда тижорат банкларининг депозитлар бўйича мажбурий захирага тортилган ресурслари билан бирга, банкнинг кредит портфелидаги муаммоли активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши ташкил қилинадиган махсус захиралари ҳам Марказий банк томонидан мажбурий захиралар ҳисобрақамларига олиб қўйилмоқда.

Банклар балансидаги мавжуд активларининг сифатлилигини доимий назорат қилиб боришлари лозим. Акс ҳолда банкларда мавжуд юқори ликвидли активларидан тўлиқ фойдалана олмаслик rischi юзага келиши мумкин.

3. Банклар кредит портфелининг соғломлигини ошириш, берилган кредитлар ва лизинг хизматларининг ўз вақтида ундирилиши устидан доимий мониторинг ўрнатилиши лозим. Бундан ташқари, келгусида вужудга келиши мумкин бўлган потенциал муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва улар билан алоҳида ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

4. Бугунги кунда республикамызда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги 90962-“Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳамда 90963-“Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварақларида ҳисоби юритилаётган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари юқори улушга эга. Бу муаммолар эса мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Банк тизими ликвидлилигини таъминлаш ва монетизация коэффицентини янада ошириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига овердрафт, овернайт, ломбард кредити каби қайта молиялаш кредитлари таклиф қилиниши лозим. Бу усул юқорида қайд қилинган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ривожланган мамлакатлар банк тизимида бу усул самарали йўлга қўйилган. Масалан Англия банк тизимида овердрафт ва овернайт кредитлари жами пул массаси (M2 агрегат) нинг қарийб 50 фоизини ташкил этади.

5. Ханузгача мамлакатимызда нақд ва нақдсиз пул баҳолари ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, нақд пуллар кўпроқ жозибага эга ва аҳоли банкдан ўз маблағларини нақд ҳолда олишга ҳаракат қиладилар ва банкни тезкор равишда қўшимча нақд пулларни жалб этишга ундайдилар. Бундан

ташқари, банк тизимидан ташқарида шахсий истеъмол учун пул массасининг мавжудлиги нақд ва нақд пулсиз маблағларини унификациялашга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

6. Тижорат банклари асосий ресурс таъминотчилари билан яхши, мустаҳкам ва узок алоқада бўлишга ҳаракат қилишлари зарур, яъни банк ва тўловга лаёқатли мижозларни фақатгина мажбурият шартномаси боғлаб туриши керак эмас, чунки исталган пайтда банк учун муҳим мижозлар ҳисобрақамларини бошқа банкка ўтказишлари мумкин.

7. Жами кредитлар таркибида муддати ўтган кредитлар ҳисобининг кучли назорат қилиниши ва улар даражасининг тижорат банки томонидан белгиланган миқдорда сақлаб турилиши банкнинг асосий даромад манбаи бўлган кредитларни самарали бошқаришга ёрдам беради.

8. Юқорида айтиб ўтганимдек, Республикамизнинг барча тижорат банкларида юридик шахслар муддатли депозитлари ҳажмининг жами депозитлар таркибидаги улуши жуда паст даражада. Ликвидликни самарали бошқаришда эса муддатли депозитлар ҳажмини ошириш зарур. Тижорат банкларининг муддатли депозитлари миқдорини ошириш йўли билан уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

а) юридик шахсларнинг муддатли депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш ва асосан 1 йилдан ортиқ муддатларга муддатли депозитлар жалб қилиниши лозим;

б) аҳолининг муддатли омонатларининг ҳажмини янада ошириш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш ва шу йўллар орқали тижорат банкларида нақд пул етишмаслигига барҳам бериш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни. 2005 йил 16 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрель.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. 2008 йил 22 июль.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарорига.
8. И.А.Каримов "2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил 21 январ.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низом.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир” 534-сонли Йўриқномаси. 2008 йил 17 май.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги 1518-сонли Йўриқномаси. 2005 йил 10 октябр.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисида”ги 619-сонли Низоми. 2011 йил 22 январ.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2009 йил 15 августдаги 701-сонли Низоми.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Тижорат банклари томонидан қимматли қогозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйиладиган талаблар тўғрисида "ги 571-сонли Низоми, 1998 йил 19 декабрь.
15. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
16. И.А.Каримов. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция, молиявий барқарорлик тўғрисида», Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
17. И.А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.
18. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил.
19. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.-Т.1998 йил.
20. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. - Т.: "Молия", 2004 йил.
21. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. - Т.: ТМИ, 2003.
22. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари.-Т.: ТМИ, 2006 йил.
23. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев ва б. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисод-Молия", 2010 йил.
24. Норқобилов С.Х. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик.- Т.: "Иқтисод-Молия", 2007 йил.

25. Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография-Т.: "Extremum Press", 2010 йил.
26. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: 2010.
27. Лаврушин О.И. Банковское дело (2-нашри). Москва 2004 йил.
28. Питер С.Роуз Банковский менежмент.Москва 1997 йил.
29. Жарковская Е.П. Банковское дело: Ўқув қўлланма. –М., 2006 йил.
30. Жарковская Е.П. Банковское дело: Ўқув қўлланма. –М., 2005 йил.
31. Колчина Н.В. Финансы предприятий: Ўқув қўлланма. –М., 1998 йил.
32. “Бозор, пул ва кредит” журнали. 5-сон, 2013 йил.
33. “Молиячи” журнали.
34. “Банк ахборотномаси” газетаси. 17,18,19 ва 23 сонлари, 2013 йил.
35. Интернет сайтлари:
- www.cbu.uz - ЎзР МБнинг расмий веб-сайти;
 - www.ahbor.uz – “Ahbor reytng” РАнинг расмий веб-сайти;
 - www.minfin.uz - ЎзР Молия Вазирлигининг расмий веб-сайти;
 - www.aloqabank.uz – ОАТ “Aloqabank” нинг расмий веб-сайти;
 - www.bankir.uz - норасмий веб-сайт;
 - www.lex.uz - ЎзР Миллий қонунчилик тизимининг веб-сайти;
 - www.uzreport.com - ЎзР Ҳисоботлар тизимининг веб-сайти;
 - www.bis.org – Халқаро Базель Қўмитасининг расмий веб-сайти;
 - www.wikipedia.org – Глобал интернет тармоғи энциклопедияси;
 - www.adb.org – Осиё Тараққиёт Банкининг расмий веб-сайти;
 - www.imf.org – Халқаро Валюта Фондининг расмий веб-сайти;
 - www.worldbank.org – Жаҳон банкининг расмий веб-сайти;
 - www.bankofengland.co.uk - Англия МБнинг расмий веб-сайти.